

**XDP**

1918-yil  
21-iyundan chiqqan  
boshlagan

№47, 2022-yil  
23-noyabr,  
chorshanba (32.741)

# O'zbekiston

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

*Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi*

# OVOZI



## Ўзбекистон ва Франция Президентлари юксак даражадаги ҳар томонлама шерикликни ривожлантиришга келишиб олдилар

22 ноябрь куни Париждаги Елисей саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг музокаралари бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларини атрофлича кўриб чиқдилар ва муносабатларни юксак даражадаги кенг қамровли шериклик руҳида ривожлантиришга келишиб олдилар.

Етақчилар икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланаётган жорий йилда икки томонлама алоқалар жадал суръат билан ривожланиб бораётгани, кенг сиёсий мулоқот чуқурлашиб, халқаро ташкилотлар доирасида томонлар ўзаро кўмаклашаётгани, парламентлараро мулоқот кенгайганини мамнуният билан қайд этдилар.

Кейинги йилларда Франция компаниялари иштирокидаги қўшма корхона ва лойиҳалар сони уч баробар кўпайди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларнинг жорий портфели 5 миллиард евродан ошди.

Энергетика, геология-қидирув, озик-овқат саноати ва савдо соҳаларида «Total Eren», «Veolia», «EDF», «Orano», «Lactalis», «Carrefour» ва «Shiever» каби халқаро миқёсдаги компанияларнинг ўзаро манфаатли фаолияти қайд этилди.

Шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш, "яшил" иқтисодиёт, коммунал, гидроэнергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларда иштирок этаётган Франция тараққиёт агентлиги билан ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги мазмун касб этди.

Ташриф арафасида ўтказилган Ўзбекистон — Франция ишбилармонлик тадбирларининг якунлари, уларнинг доирасида умумий қиймати 6 миллиард евродан ортқ бўлган савдо-иқтисодий битим ва шартномалар имзолангани юксак баҳоланди.

Хавфсизлик соҳасида, юзага келаётган таҳдид ва хатарларга самарали қарши курашиш борасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдорлик билдирилди.

Маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришнинг аҳамияти қайд этилди. Томонлар Самарқандда Франция альянсининг бўлинимаси очилишини қўллаб-қувватладилар ҳамда жорий йил 27-28 ноябрь кунлари Парижда иккинчи Ўзбекистон — Франция таълим форумининг ўтказилишини олқишладилар. Француз тили ўқитувчиларини тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди.

Етақчилар Ўзбекистоннинг маданий-тарихий меросига бағишлаб Лувр музейида "Ўзбекистон воҳаларининг мўъжизалари. Карвон йўллари чорраҳасида" ва Араб дунёси институтида "Самарқандга йўл. Ипак ва олтин мўъжизалари" кўргазмалари очилишини мамнуният билан қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Учрашув очик, самимий ва дўстона муҳитда ўтди. Якунда Шавкат Мирзиёев Эммануэль Макронни ўзи учун қулай вақтда ташриф билан мамлакатимизга боришга таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан олинди.

## Давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ажратилган маблағларни ишлатишда тендер савдолари асосий муаммога айланмоқда.

## САВОЛЛАР КЎПАЙГАН



Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи динамикаси<sup>2</sup>



## УЗИБ ҚЎЙИШЛАР УЧУН ЖАРИМА ТЎЛАНИШИ ЁКИ ЗАРА ҚОПЛАНИШИ КЕРАК

ҲОЗИР БУТУН ДУНЁДА, ҲАТТО РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРДА ҲАМ ГАЗ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИДА ЖИДДИЙ МУАММОЛАР РЎЙ БЕРМОҚДА. ВАЗИЯТ МУРАККАБ. МАМЛАКАТИМИЗДА ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР БУГУН ЁКИ КЕЧА ПАЙДО БЎЛИБ ҚОЛГАН ИҲҚ, БУ УЗОҚ ЙИЛЛАРДАН БЕРИ КЕЛАЁТГАН МАСАЛА.

Кейинги йилларда юртимизда энергия тақчиллигини камайтириш бўйича бир қатор муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Аммо эски муаммоларни тўлиғича ҳал этиш қийин бўлаяпти. Энергетика вазири ўринбосари ўтказган матбуот анжумани, ОАВ вакилларининг саволларига жавоблардан кўриндики, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар оз эмас.

Давоми 5-бетда. ▶

## ОБУНА — 2023

Энди «Ўзбекистон овози» газетасига



иловалари орқали обуна бўлишингиз мумкин.

Нашр кўрсаткичи — 220.  
Боғланиш учун телефонлар: (71) 276-20-67, (71) 276-10-91.



## ЕВРОПА ҚАЛБИГА ЙЎЛ

ФРАНЦИЯНИНГ "ТОТАЛЬ ЭРЕН" КОМПАНИЯСИ БИЛАН БИРГАЛИКДА МАЙ ОЙИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА МИНТАҚАДАГИ ЭНГ ЙИРИК, ҚУВВАТИ 100 МВТ БЎЛГАН ҚУЁШ СТАНЦИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ.

# САВОЛЛАР КЎПАЙГАН

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2022 ЙИЛ 9 ОЙЛИК ИЖРОСИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

Ҳукумат ҳисоботи аввал сиёсий партиялар фракциялари, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида ҳам атролича муҳокама этилди. Депутатлар томонидан берилган саволларга вазирликлар вакиллари билан жавоблари эшитилди. Фракция аъзолари ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағларнинг қанчалик самарали сарфланганига алоҳида эътибор қаратишди.

Депутатлар ривожлантириш дастурлари ва бюджет харажатларини мақсадли индикаторларининг 9 ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботда (ҳукумат ҳисоботининг 11-иловаси) соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор вазифалар бажарилмасдан қолаётгани юзасидан ўз эътирозларини билдиришди.

Хусусан, депутатлар муҳокама-лар чоғида соғлиқни сақлаш тизимига ажратилган маблағларнинг сарфланишига эътибор қаратдилар.

Депутат Мақсуда Ворисова нефрология ва гемодиализ учун ажратилган маблағлар 11,7 фоизгина ўзлаштирилгани, Президентимиз ташаббуси билан қийинчилик даврида ҳам соҳага маблағлар ажратиб берилгани, лекин бу маблағ тўлиқ ишлатилмагани ҳақида савол берди.

Депутат, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида электрон поликлиника жорий этилишига бир неча йилдан бери ҳаракат қилиниб келинаётгани, Сирдарёда шу тажриба лойиҳа сифатида ҳам олиб борилаётгани, аммо ажратилган маблағларнинг 25 фоизигина ўзлаштирилганига нима сабаб бўлгани ҳақида

хизматлар дастури учун 8,0 млрд. сўм режалаштирилган. Бирок йилнинг 9 ойи давомида 1 сўм ҳам ишлатилмаган.

Бўйрак ва жигар трансплантация-си жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларни дори воситалари билан таъминлаш дастури учун 21,0 млрд. ажратиш белгиланган, амалда бу режа атига 50 фоизга бажарилган.

Болалар, туғиш ёшидаги, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларни профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш дастури учун 82,5 млрд. режалаштирилган бўлиб, амалда бор-йўғи 7,3 млрд. сўми ишлатилган.

Муҳокама-лар чоғида депутатлар шунингдек, таълим соҳасидаги муаммолар ечими юзасидан ҳам саволлар беришди, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида мактаб-гача таълим муассасаларининг сонини ва фаолият юритиши бошқа ҳудудларга нисбатан бирмунча ортада қолаётгани айтиб ўтилди.



**Депутат Дилором Имомова** шу ҳусусда фикр билдирар экан, нега ҳудудлар миқёсида турлича манзара юзага келгани, молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига вилоятлар кесимида қандай ёндашилиши ҳақида сўради.

ўтган йили бошланган бўлса, бу йил якунигача тугаши кутилмоқда. Сурхондарё вилоятида ҳокимлик билан келишилган ҳолда, енгил конструкцияли МТТ қурилди. 2022 йилнинг ўзида 28 та МТТ янгидан қурилди. Ҳокимият қурилиш учун маблағ ажратган бўлса, вазирлик жамғарма томонидан уларни жиҳозлашга кўмаклашди.



**Депутат Шерзод Раҳмон** Президент ташаббуси билан жорий этилган хайрли ва эзгу ташаббус, яъни магистратура босқичига ўқишга кирган хотин-қизларнинг шартнома пуллари давлат томонидан қоплаб берилиши учун ажратилган маблағлар ҳақида сўраб экан, 200 миллиард маблағ нега 75 миллиардга тушиб қолгани билан қизиқди.



**Депутат саволига Молия вазирининг Жамшид Аброев** жавоб берди:

– Биз таҳлил қилиб кўрганимизда, ҳисоб-китобларга асосан максимал шу сума кўзда тутилган. Лекин асосан сентябрь ойидаги аризаларга мувофиқ 68 миллиард тўлаб берилди. Бундан буёғига узоғи 10 миллиард атрофида талаб бўлапти. Шунинг учун таклиф киритилганда, бошида шу сума киритилган. Талабга қараб яна ажратилади.

Ялпи мажлисга қайтадиган бўлсак, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил тўққиз ойи якунлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни атофлича кўриб чиқишди.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг Т. Ишметовга ахборот учун 30 дақиқа вақт берилди.

Вазир 2022 йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ўсишда давом этганини таъкидлади. Натижада январь-сентябрь ойларида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 5,8 фоизга ўсди, инфляция

йил бошидан 8,1 фоизни ташкил этди. Давлат бюджетининг даромадлари Давлат мақсадли жамғармаларисиз 147,1 трлн. сўмни ташкил этиб, белгиланган прогноз 105,3 фоизга ёки 7,4 трлн. сўмга ошириб бажарилди. Даромадлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 31,1 трлн. сўмга ошди, дейди у.

Ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш ҳажми Давлат бюджетининг умумий харажатларининг 51,0 фоизини, яъни 83,3 трлн. сўмни ташкил этган. Бюджет ташкилотларининг 55,2 трлн. сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ҳамда 10,3 трлн. сўмлик иш ҳақи нисбатан ажратмалари ўз муддатларида тўлиқ молиялаштирилиб берилгани қайд этилди.

Ҳисоботдан сўнг муҳокама-лар қизгин давом этди. Албатта, уларда фракция-муҳокама аъзолари ҳам ўз мулоҳазалари, саволлари билан иштирок этди.



Хусусан, **депутат Шохиста Турғунова** давлат хусусий шерикчилик ҳамда давлат олий таълим ташкилотлари буюртмалари асосида талабалар турар-жойини барпо этиш бўйича субсидия маблағлари 17 фоизга ўзлаштирилгани, бунга нима учун қурилиш ишлар якунланмаганини ва қилиб кўрсатилаётгани ҳақида сўради. Нима сабабдан бу маблағларни ўзлаштириш ва қурилиш ишларини якунлаш янги йўл йилини бошлашдан аввал шартномаларда кўрсатилмагани тўғрисида изох сўралди.

Шунингдек, депутат бюджетдан уй-жой харид қилишга субсидиялар учун ажратилган маблағларнинг асосий қисми ишлатилмай қолаётгани ҳақида айтади. Хотин-қизлар учун ажратилган субсидиялар назоратга олинган-олинмагани, йил охиригача талабга нисбатан ажратилган маблағлар етарли бўлиш-бўлмагани масаласида ҳам изох сўралди.

Саволга ҳукумат вакиллари, хусусан, молия вазирининг Тимур Ишметов жавоб берди. Маълумотга кўра, шу вақтга қадар 7 та олий таълим муассасасида турар-жой қурилиш ишлари учун тадбиркорларга 75,6 миллиард сўм ажратилган. Май ойида тегишли ҳукумат қарори билан тадбиркорларга берилган қўшимча ижозат билан яна 42 та лойиҳа билан ишланаётгани хусусида айтилди. Йил якунигача бу маблағлар тўлиқ ўзлаштирилиши таъкидланди.

Жавобга кўра, айрим жойларда субсидия олиш ҳужжатига эга бўлса ҳам, фуқаролар тўлов қила олиш қобилиятини исботлай олиши керак.

Сертификатларни беришда гуруҳлар ишини такомиллаштириш масаласи муҳимлиги қайд этилди.



**Йиғилишда ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов ҳукумат ҳисоботи юзасидан фракция позициясини маълум қилди.**

Таъкидландики, кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича стратегик ҳужжатлар қабул қилиниб, муҳим вазифалар белгиланди, катта маблағлар йўналтирилмоқда. Натижалар оз эмас. Лекин таҳлил ва ўрганишлар ажратилган аксарият маблағлар ўз вақтида ишлатилмасдан қолганини кўрсатмоқда.

Давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларни ишлатишда тендер савдолари асосий муаммага айланиб бораётганини ҳисобга олиб, шу йўналишдаги меъёрий-ҳужжатларни соддалаштириш, жараённи тезлаштириш нукта-н назаридан қайта кўриб чиқиш, Ҳукумат бу борада аниқ вазифалар белгилаши лозимлиги айтади.

Чунки, давлат бюджетидан ижтимоий соҳа, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган маблағлар инсон саломатлиги билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Меъёрий ҳужжатлар ва тартиб-қоидалардаги камчиликлар инсонлар ҳаётига хавф туғдириши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Шу боис бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш борасидаги хато-камчилик ва қонунбузилишларни бартаф этиш чоралари кўрилиши зарур.

Бу Давлат бюджетининг ижроси устидан сифатли парламент назоратини олиб бориш, бюджет ижросига нисбатан депутатлар томонидан танқидий-таҳлилий ёндашувни кучайтириш, масъул вазирлик-идоралар раҳбарларининг аниқ масалалар ечими бўйича шахсий жавобгарлигини оширишга ҳизмат қилади. Кейинги ҳисоботларда ушбу масалага эътибор берилиши лозимлиги қайд этилди.

Халқ демократик партияси фракцияси Давлат бюджетининг 2022 йил 9 ойлик ижроси якунлари тўғрисидаги ҳукумат ҳисоботини қўллаб-қувватлаб, барча депутатларни маъқуллаб овоз беришга қақирди.

Ҳукумат ҳисоботи 119 та овоз билан маъқулланди.

**Гулрух ОДАШБОВЕВА,**  
**“Ўзбекистон ovozi” муҳбири.**



изоҳ сўради.

**Саволга Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Сўҳробжон Мақсудов** жавоб берар экан, электрон поликлиникага ажратилган маблағлар ўтган йили ҳам тўлиқ ўзлаштирилгани, бу йил тизимга 50 миллиард ажратилгани, яна 25 миллиард маблағ қўшимча қилиб берилгани, бу кейинги йил локал тармоқларни ўзлаштиришга сарфланиши ҳақида айтади ўтди.

Маълумотга кўра, болалар тиббиёт ва туғуруқ муассасаларида юқори технологик лобаратор ускуналардан тўлақонли ва самарали фойдаланиш мақсадида реагентлар, сарфлов анжомлари ҳамда сервис



– Қамровни ошириш бўйича аниқ ишлар қилинапти, – дейди **Мактаб-гача таълим вазирининг Нодир Муслитдинов** депутат саволига жавоб берар экан. – 2021 йил июль ойидаги Президент қарорига мувофиқ республикамизнинг 5 та ҳудудида жами 50 та қўшимча МТТ режалаштирилган эди. Шунинг 23 таси Қашқадарёда, қолган 20 таси Сурхондарёда қурилиши белгиланган эди. Мана шу қурилишлар

# 100 ЖИЛДЛИК БОЙЛИК



“Туркий адабиёт дурдоналари”. Бу кеча тақдими бўлиб ўтган йирик лойиҳа натижа-сида дунё юзини кўрган яна бир китобнинг номи.

Ўзбеклар ҳамда туркий тилда сўзлашувчи халқлар адабиёти намуналари билан янада яқиндан таништириш мақсадида туркий тилда сўзлашувчи давлатларнинг миллий адабиёти намуналаридан иборат 100 жилдлик мажмуа нашр этилишига Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси асос бўлди.

Тўпламга умумтуркий адабиётнинг қадимий давлардан то XXI асрнинг шу кунига қадар яратилган сара намуналари, яъни Ўзбекистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбай-

жон, шунингдек, Туркменистон ва Венгрия давлатларининг атоқли шоир, адиб ва мута-факкирларининг асарлари киритилди.

Адабий ҳазина сифатида эътироф этилаётган мажмуа туркий тилли давлатлар орасида илк бор рўёбга чиқарилган йирик адабий лойиҳа сифатида, айниқса, қадридир. Унда барча туркий тилли халқлар адабиёти вакил-ларига кенг ўрин берилган. Хусусан, “Умум-туркий адабиёт намуналари”, деб номланувчи дастлабки 5 жилддан Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийнинг “Ҳикमतлар”и ҳамда Носи-руддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” каби мумтоз асарлари ўрин олган. 28 жилд-ни ташкил этган “Ўзбек адабиёти намуналари” Алишер Навоийнинг сайланма ғазаллари билан бошланиб, қорақалпоқ адабиёти намуна-ларини ҳам ўз ичига олади.

Мажмуада турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз ва туркман бадий ижодиётига ҳам кенг ўрин ажратилган. Жумладан, Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Низомий Ганжавий, Насимий, Фузулий, Махтумқули, Мулланафас, Нозим Ҳикमत, Самад Вургун, Абай, Мухтор Аvezов, Собит Муқонов, Чингиз Айтматов, Тўлаған Қосимбеков, Мар Бойжиев, Отажон Тўғон каби

мумтоз ва замонавий адабиётнинг 100 дан ортиқ намунадалари қаламига мансуб ноёб мерос жамланган. Таниқли венгер адибларининг асарларидан қилинган таржималар якунловчи жилд сифатида тақдим этилган. Ушбу дурдона асарнинг тақдимотида иштирок этган қардош халқлар вакиллари ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

**Ҳамда ТУРШУЖУ,**  
**Туркия Республикасининг**  
**Ўзбекистондаги элчихонаси**  
**коммуникациялар бўйича**  
**маслаҳатчиси:**

– Турк адабиёти дунё адабиёти ораси-да алоҳида ўринга эга адабиётлардан бири саналади. Бу 100 жилдлик асар турк дунёси-нинг бирдамлиги, тажрибаси, ҳамфикрлиги ҳақида бутун дунёга сўзлаб беради. Шунинг-дек, туркийлар адабиёти нуфузини ошириш ва туркий халқларга дунё эшикларини яна бир қарра очиш имконини беради. Ушбу асар дунё юзини кўришга ҳисса қўшган ҳамма-ҳаммани табриклаймиз ва миннатдорлик билдирамиз.

Шу ўринда Мавлоно Жалолиддин Румий-нинг бир иборасини таъкидлашни истардим. Яъни, айна тилда сўзлашувчи инсонлардан кўра кўпроқ айна туйғуларини ҳис қилган, бўлишган инсонлар ўзаро яхши келишади,

яхши муносабатлар ўрната олади. Бизнинг ҳам тилимиз, ҳам дилимиз бир. Демак, бундан кейин ҳамкорлигимиз янада ортади. Бутун дунёга турк оламининг қардошлиги, дўстлиги ва енгилмас куч эканини кўрсатиб беришга эришамиз.

**Самир АББОСОВ,**  
**Ўзбекистондаги Озарбайжон маданият**  
**маркази раҳбари:**

– Биласизми, бугун жуда ҳам яхши давр келди. Бугун биз бемалол ўз қардошимиз-нинг уйига бораёмиз. Қўшимчимизнинг ҳолидан хабар олиш учун қандайдир қўшимча ҳуж-жатлар, югур-югурларга ҳам ҳоҳат қолма-ди. Яъни, давлатларимиз ўртасида мажозий чегаралар қалбларимиз бирлашишига тўсиқ бўлмайпти. Аксинча, ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳимоялашга ҳисса қўшяпти. Бугун Самарқанд-ни кўришни истаган Боқуда турган одам битта чипта билан мақсадига эриша олади. Ёки аксинча, сиз ҳам туркий давлатлар шаҳарла-рини бориб кўришингиз мумкин. Асосийси, бу орқали муносабатларимиз, ишонч туйғулари, чинакам қардошлик ришталари мустаҳкамлан-моқда.

Лойиҳага келадиган бўлсак, унинг гоят синчковлик ва катта маъсулият билан иш-лангани кўриниб турибди. Зеро, туркийлар ўз адабиёти билан фахрланади, дунёга яхши таниш. Уларнинг энг саралари бир тўпламда жамланиши эса мақсадларимиз, қарашлари-мизни жиқлаштиради, маънавиятимиз, мада-ниятимизни уйғунлаштиради.

Адабиёт бирлашса, қалбимиз бирлашади.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА**  
**тайёрлади.**

БУ ЙИЛ ХАЛҚАРО  
МАЙДОНДА БОШЛАНГАН  
ЖАРАЁНЛАР, БАЛКИ,  
БУТУН АСР ДАВОМИДАГИ  
МУВОЗАНАТНИ,  
ХАЛҚЛАРНИНГ КАЙФИЯТИНИ,  
ДАВЛАТЛАРНИНГ ЎРНИНИ  
БЕЛГИЛАБ БЕРАР.  
ШУНДАЙ ТАРИХИЙ БИР  
ДАВРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ  
МИНТАҚАСИ, ХУСУСАН,  
ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ  
ҲАМЖАМИЯТИГА ОЧИҚ  
МУЛОҚОТГА ТАЙЁРЛИГИНИ,  
ШУ ОЛАМНИНГ БИР БЎЛАГИ  
ЭКАНИНИ, ДУНЁ МУВОЗАНАТИ  
ЧАЙҚАЛИБ ТУРГАН ТАҲЛИКАЛИ  
ЗАМОНДА ЧИГАЛЛИКЛАРГА  
ЕЧИМ ТОПИШГА ҲИССА ҚЎША  
ОЛИШНИ НАМОЁН ЭТМОҚДА.



# ЕВРОПА ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Дунё ҳам Ўзбекистонни аҳамиятли давлат сифатида қабул қилмоқда. Ишончли, қатъиятли, бағрикенг ҳамкорга айландик. 21 ноябрь куни Ўзбекистон Президентининг Франция Президентини тақдирининг биноан Парижга учирди катта маъно бор.

Бу Президентимизнинг тўрт йил ичидаги Францияга иккинчи ташрифи ҳисобланади. Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон етакчиси бошқа ҳеч бир Европа давлатига бунчалик қисқа вақт ичида икки бор ташриф буюрмаган. Айнан шу сабаб Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги икки томонлама алоқалар тобора кенгайиб, мустақамлашиб бораётганини кўрсатмоқда.

Франция дунёнинг иқтисодий ривожланган етакчи мамлакатларидан биридир. Иқтисодиёти бўйича Европада 3-ўринда, жаҳонда 7-ўринда бўлган Франция "Катта еттилик" давлатларидан бири, БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси, Европа Иттифоқининг асосчиларидандир.

Франция иқтисодиётининг бошқа йирик тармоқлари – машинасозлик бўйича жаҳонда 4-ўрин, авиакосмик, автомобилсозлик, озиқ-

овқат соҳаларидаги экспорт ҳажми бўйича АҚШдан кейин 2-ўринда, атом энергетикасини ривожлантириш соҳасида энг илғорлардан бири бўлиб, энергиянинг 75 фоиздан ортигини АЭСлардан олади.

Франциянинг "Тоталь Эрен" компанияси билан биргаликда май ойида Самарқанд вилоятида минтақадаги энг йирик, қуввати 100 МВт бўлган қуёш станцияси ишга туширилди. Ташриф доирасида қўллаб соҳаларга оид келишув ва музокаралардан ташқари маданий тадбирлар ҳам ўтказилди. Париждаги машҳур Лувр музейи ҳамда Араб дунёси институтида юртимиз тарихи ҳамда маданиятига бағишланган иккита йирик кўргазма очилди.

Таъкидлаш жоиз, дунёда юзага келаётган сиёсий ва иқтисодий воқеаларда Франция Марказий Осиё давлатлари билан ҳам икки томонлама, ҳам Европа Иттифоқи орқали кўп томонлама форматда ҳамкорликни фаоллаштиришга интиломоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг Парижга тақдирининг Франция Марказий Осиё минтақаси билан бўладиган мулоқотни кенгайтириш учун Ўзбекистон танланган бўлиши ҳам мумкин, деган фикр

тўғдиради.

Қолаверса, кейинги 5 йил давомида Ўзбекистон — Франция муносабатларида барча соҳаларда очик ва ишончли мулоқот олиб борилмоқда.

2018 йил октябрь ойида Франция Президенти Эммануэл Макроннинг тақдирининг биноан Ўзбекистон раҳбари Францияга расмий ташриф билан борди — Европадаги биринчи давлат. Натижада қиймати тахминан 3,5 млрд. евролик бўлган 11 та битим, инвестициявий ва савдо шартномалари имзоланганди.

Бугунги кунда жами 50 га яқин турли характердаги ҳужжатлар имзоланган бўлиб, бу ҳужжатлар томонлар ўртасида мустақам шартномавий-ҳуқуқий базани шакллантиришга асос бўлади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда Франция компаниялари иштирокидаги қўшма корхоналар ва лойиҳалар сони уч баробар ошган.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида Франция билан энг кўп қулайлик режими яратилган.

» **Франциянинг "Тоталь Эрен" компанияси билан биргаликда май ойида Самарқанд вилоятида минтақадаги энг йирик, қуввати 100 МВт бўлган қуёш станцияси ишга туширилди.**



**Европа инвестиция банки вице-президенти Тереза Чернишкая** "Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўзаро боғлиқлиги: барқарор ривожланиш учун глобал дарвоза" мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи куйидаги мазмунда эди.

Бизнинг умумий мақсадимиз — барқарор алоқани қўллаб-қувватлаш ва изчил, иқлимга мос келадиган ўсиш моделига ўтиш, чунки бу конференциямизнинг асосий мавзусидир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, энергия самарадорлиги, қайта тикланадиган энергия манбалари, энергия узатиш, сув таъминоти ва канализация каби соҳаларда яшил инфратузилма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, маҳаллий кичик ва ўрта корхоналарни молиялаштириш имкониятларини яхшилаш юзасидан иқлим ўзгариши бўйича тадбирлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўзаро боғлиқлиқни яхшилашга кўмаклашади.

Рақамлаштириш таълимни яхшилаш, рақобатбардошлик, самарадорлик ва барқарор ўсиш учун яхшироқ муҳит яратиш нуктаи назаридан зарур бўлган муҳим омил ҳисобланади. "Глобал дарвоза" бу муаммоларга тўғри жавобдир.

Марказий Осиё минтақасида Европа инвестиция банки 1 миллиард еврога яқин тасдиқланган лойиҳалар ва аллақачон имзоланган 863 миллион евролик кредитлар билан диверсификацияланган ва тез ўсиб бораётган портфелни ишлаб чиқди.

Биз манфаатларимиз йўлидаги улкан мақсадларимизга эришишга ҳисса қўшадиган ва Марказий Осиё мамлакатларида яшовчи аҳолининг ҳаёт сифати ва турмушини яхшилашга ҳисса қўшадиган кейинги тадбирларни интиқлик билан кўтиб қоламиз.

## СТРАТЕГИК АВТОНОМИЯ ЗАРУРАТИ Жозеп Боррел, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили

"Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўзаро боғлиқлиги: барқарор ривожланиш учун глобал дарвоза" халқаро конференциясида европаликлар ва Марказий Осиё давлатлари пандемиядан кейин иқтисодни тиклаш, Россиянинг уруши келтириб чиқараётган кризис оқибатлари хавфи олдида бирга туради. Бу хавфлар олдида глобал иқлим муаммолари ҳам қўшилган, деб таъкидлаган.

У яна, Марказий Осиёдаги ҳамкорлари каби Европа ҳам стратегик автономияни мустақамлаш зарурлигини, ким билан ва қандай алоқа ўрнатишни эркин ҳал қилиш учун алоқаларнинг борлиги муҳимлигини, лекин ўта боғлиқлик ва танлов имконининг йўқлиги қimmatга тушишини Европада энергетика хавфсизлиги мисолида кўраётганини таъкидлади.



мунда интервью берди.

Ҳамкорликни тенг ҳуқуқли даражада биргаликда олиб боришимиз, тенг ҳуқуқли деганда ишончли, шаффоф ва мажбуриятлар юклайдиган кредитлар ёки қарзлар бериш орқали амалга оширишни, бошқа давлатлар инвестициялар киритиш орқали Ўзбекистонни ўз таъсир доирасида кўрмоқчи бўлса, улар Ўзбекистонни яхши ҳамкор сифатида кўрмоқчилигини билдирди. Инвестициялар киритиш орқали итотати қўтмаслигини, балки фақатгина ҳуқуқий хавфсизлиқни муҳим, деб билишини айтди. Анналена Бербок Ўзбекистон охириги йилларда ижтимоий ҳуқуқ соҳасида муваффақиятларга эришгани, болалар ва катталар мажбурий меҳнатига қарши ишлар олиб борилганини эътироф этди. Шунингдек, энди қийин бўлса-да ислохотларнинг кейинги босқичи бошланиши кераклигини таъкидлади.

Ўзбекистонда муҳим ислохотлар бошланганлиги, бу фуқароларимиз учун келажакка бўлган яхшироқ ишончли тақдим қилиши, кейинги қадам ҳуқуқий давлатчилик ва фуқаролар эркинликлари ва ҳуқуқларнинг таъминланиши Ўзбекистонга кирган инвесторларнинг энг яхши ҳимояси бўлади, деган Анналена хоним.



## ТАЪЛИМ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТЕЗЛАШТИРАДИ Шиксин Чен, Осиё тараққиёт банки вице-президенти

Марказий Осиё мамлакатларининг қайсидир битта халқаро ҳамкорга боғлиқлиги раҳбарлик қилишни рад этиши хурматга лойиқлигини айтган.

"Европа жамоаси" минтақа давлатлари учун турли соҳада ҳақиқий ҳамкорлик тақдирининг қилинаётганини, шунингдек, Евроиттифоқ минтақага Хитой ва Россиядан кўра кўпроқ ҳисса қўшаётганини билдирди.

Охириги 10 йилда ЕИГА аъзо давлатлар Марказий Осиё давлатлари учун 123 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритгани ва бу минтақага киритилган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 40 фоиздан ортигини ташкил қилишини айтиб ўтди.



Охириги 10 йилда ЕИГА аъзо давлатлар Марказий Осиё давлатлари учун 123 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритгани ва бу минтақага киритилган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 40 фоиздан ортигини ташкил қилишини айтиб ўтди.

## ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИБ ИТОАТ КУТМАЙМИЗ

1 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Владимир Норов ва Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар вазири Анналена Бербок ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувдан сўнг вазирилари ОАВ вакиллари учун ўтказилган брифингга Анналена куйидаги маз-



## ИСЛОҲОТ ИНҚИРОЗГА ЧИДАМЛИРОҚ ҚИЛАДИ

### Анна Бьерде, Жаҳон банки вице-президенти

Бу сафарги ҳисоботи апрель ойида эълон қилинган охириги ҳисоботидаги қўшимчаларидан ҳам яхшироқ тасвирларни кўрсатгани, минтақа инқироздан кейин яна бир инқирозни қандай енгиб ўтгани жуда ажойиблигини айтган.

Бироқ, Ўзбекистон ислохот қилган давлатлар инқирозга нисбатан чидамлироқ эканини исботлаганини таъкидлаган. Ўзбекистонда ўсиш суръатлари нафақат Марказий Осиёда, балки Европа ва Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари орасида ҳам энг юқори кўрсаткичга эга эканини, сўнгги бир неча йил ичида амалга оширилган ислохотлар кўлами, қисқа муддатда бошқа давлатларда қилинган ислохотлардан сезиларли миқдорда ошиб кетагани, демак, Ўзбекистон қисқа вақт ичида қўллаб ислохотларни амалга оширгани билан ажралиб туришини билдирган.

Ислохотлардан келиб чиқадиган мустақамлик жуда ва жуда муҳимлиги, ҳуқуқат билан ҳамкорликни давом эттириш ва бу ислохотларда, айниқса, инсон ривожланиши, соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя, шунингдек, аҳолининг турмуш шароити ҳамда ижтимоий таъминотни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда хусусий сектор ролини кучайтириш бўйича иш олиб боришни жуда хоҳлашни таъкидлаган.

Ўзбекистон ҳуқуқатини иккинчи форум ўтказгани учун чин дилдан мамнунлигини, очик пленумлар ҳам, ён тадбирлар ҳам, йўлақларда бўлиб ўтадиган суҳбатлар ҳам, буларнинг ҳаммаси жуда ажойиб ўтганини айтган. Жаҳон банки янги ғоялар ва концепцияларни жорий этиш бўйича тажриба алмашгани ва бу келажақдаги муҳим бўлган нарсалар ҳақида маълумот беришнинг энг яхши усули эканлиги мазмунида фикр билдирган.

Бозорни ёш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва талабни қондириш имконини беришини таъкидлади.

Ўзбекистонни жозибдор қилиб кўрсатадиган нарсаси ҳуқуқатининг ислохотларга содиқлиги ва улар келажак сари қандай кетаётгани ҳақида тасаввурга эғалиги, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Миллий ривожланиш стратегияси мавжуд бўлиб, унда қандай қилиб олдинга силжислар белгилангани, давлат корхоналарини ислохот қилиш, хусусий секторни ривожлантириш каби кўплаб жиҳатлар ўрин олганлигини таъкидлаган.

Бундан ташқари, ҳуқуқат ижтимоий ҳимоя ва барқарорлик ҳақида ўйлаётгани, бу эса узоқ муддатли ривожланишга йўл очиш учун жуда муҳимлигини айтиб ўтган.

Юқоридаги фикрларнинг муаллифлари, бир сўз айтганда, "катта" одамлар. Улар бежизга Ўзбекистоннинг кейинги йилларда амалга ошираётган ислохотлари ва келажаги ҳақида фикр билдиришмайди. Қайсидир маънода Ўзбекистоннинг бугунги қиёфаси уларни фикрлашга ундамоқда.

Эҳтимол, бугун Макрон ҳам Шавкат Мирзиёев билан Париждаги Лувр музейига ташриф буюриб, "Ўзбекистон воҳаларининг мўъжизалари. Карвон йўллари чорраҳасида" кўргазмаси билан танишганда, Ўзбекистоннинг янги қиёфасининг тарихий ва муҳташам асосига қойил қолгандир.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ**  
тайёрлади.



## ХАЁТИДАН

### Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутаты Фахриддин Халилаев Тахиятош туманидаги "Обод Макон" ҳамда "Марказий" маҳалласида аҳоли вакиллари билан учрашди.

Депутат дастлаб янги қабул қилинган қарор ва фармонлар мазмун-моҳияти ва улар асосида амалга ошириладиган ишлар аҳамияти ҳақида сўз юритди. Ҳуқуқий ҳужжатлар маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, жойлардаги ички йўллар, ичимлик суви, кўчаларнинг тунги ёритиш чироқлари ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратилишига хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Шундан сўнг, аҳоли билан очик мулоқот ўтказилди. Фуқароларнинг муносабатлари тингланди. Айримлари жойида ҳал қилинган бўлса, қолганлари назоратга олинди.



\*\*\*

Ўзбекистон ХДП Қўнғирот туман кенгаши фаоллари ҳамда туман Кенгаши депутати О. Оримбаев «Қўнғирот» овулида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олишди.

Одамлар билан очик мулоқот қилиб, мавжуд муаммолар атрофида ўрганилди ҳамда мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига қаратилаётган эътибор, улар учун яратилаётган шароитлар, қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, партия тўғрисида маълумот берилди.

"Темир дафтар" рўйхатидаги 1-гурӯх ногиронлиги бор фуқаро Роза Алланова «Устюрт газ казиб чиқариш бошқармаси» ва депутат ҳомийлиги ҳисобидан республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказига тиббий кўрик учун жўнатилди. Таҳлил натижаларига асосланиб, фуқаро операция қилинган. Яқин кунлар ичида навбатдаги жарроҳлик амалиёти бўлиши тайинланган.



### БУХОРО ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон ХДП Когон туман кенгаши фаоллари ҳамда депутатлар ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд хотин-қизлар ҳолидан хабар олишди.

"Шербудин" маҳалласи "Орифон" кўчасида яшовчи М. Қудратова, "Бохарзий" маҳалласи, "Шайхул олом" кўчасида яшовчи Ҳ. Хўжаевалар билан учрашиб, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишга кўмаклашилди.

Ўрганиш жараёнида саломатлигини тиклаш учун уларга дори-дармон воситалари зарурлиги аниқланди ва уларни сотиб олиш учун зарур моддий ёрдам кўрсатилди, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.



# МАҚСАД – ҲАЁТГА, ОДАМЛАРГА ЯҚИН БЎЛИШ

\*\*\*

Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши депутати Феруза Акиева Бухоро туманида бўлиб, ҳоким ёрдамчиларининг фаолияти, уларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш борасидаги ишлари билан яқиндан танишди.

Дастлаб туман маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази ходимлари билан суҳбатлашиб, туманда амалга оширилаётган "маҳаллабай" ва "хонадонбай" ишлар ва уларнинг самараси, шунингдек, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш борасида ҳудудлардаги мавжуд имкониятлар ҳусусида фикр алмашди.

Шундан сўнг, тумандаги "Мустақиллик" ва "Янги турмуш" маҳаллаларида бўлиб, ҳоким ёрдамчиси кўмағида ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган оилалар билан танишилди ва мавжуд муаммолари ўрганилди.



### НАВОЙ ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон ХДП Навой вилоят кенгаши ҳамда Кармана туман Кенгаши "Жалоир" маҳалласида сайёр қабул ўтказди. Унда маҳалла раиси, туман ИИБ подполковниги Чўлиев, туман ҳокимининг ёрдамчиси, шунингдек, 50 га яқин аҳоли вакиллари иштирок этди. Қабулда аҳолини ўйлантираётган масалалар ўрганилиб, тегишли кўрсатмалар берилди.

Хусусан, фуқаро Бобоқуллов махсус тез тиббий ёрдам машинаси етишмовчилиги, Б. Эргашев ўйини таъмирлаш учун ёрдам сўраб, фуқаро Ҳ. Мустафоева эски сим ёғочларни алмаштириш, Эшпўлатова фарзандининг биринчи гуруҳи ногирони эканлиги сабабли дори-дармон учун моддий ёрдам сўраб муносабат қилди. Масалалар ижроси бўйича партия Кенгаши ҳамда тегишли ташкилотларга йўналтирилди ва жамоатчилик назоратига олинди.



\*\*\*

Навоий вилоятининг Томди тумани "Шиели" овул фуқаролар йиғинида "Уч авлод" учрашуви ўтказилди. Тадбирда халқ депутатлари Томди туман Кенгашидаги ЎзДП гуруҳи аъзолари, вилоят Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси вакиллари, вилоят Нурунийлар жамоатчилиги Кенгаши аъзолари ҳамда туман ҳокими иштирок этди.

Дастлаб ҳоким Президентимизнинг ёшларга оид фармон ва қарорлари, бугунги кунда навқирон авлод вакиллари яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида айтиб ўтди.

Сўзга чиққанлар ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш чора-тадбирларини белгилаб олдилар.



### ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Жиззах вилоятининг Зарбдор тумани "Адиқобод" маҳалласида депутат Б. Абдураимов ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш мақсадида бир қатор хонадонларга борди.

Одамлар билан юзма-юз суҳбатлашди ва муаммоларини тинглади, уларни ҳал этиш бўйича вазифаларни белгилаб олди.

Ҳомийлар кўмағида оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.



### НАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон ХДП Косон туман кенгаши фаоллари "Ишга марҳамат" мономарказида ёшлар билан учрашув ўтказди. Унда касб-хунар ўрганаётган ҳамда шунингдек, тил курсларида таҳсил олаётган ёшлар билан мулоқот қилинди.

Мономарказ фаолияти банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш, касб-хунар, хорижий тил курслари, рақамли технологияларга ўқитиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ўқитиш ва тадбиркорликка жалб қилиш билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда мономарказ хизматидан фойдаланаётган ва касб-хунар ўрганиш истагида муносабат қилаётганларнинг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил қилади. Аммо тил ўрганиш ва компьютер курсларида ўғил болалар кўпчилигини ташкил этмоқда. Мулоқотда ёшлар яратилган шарт-шароитлардан мамнун эканликларини билдиришди.

Тадбир сўнггида 10 нафар "Ишга марҳамат" мономаркази устоз-мураббийлари партияга қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.



### НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши томонидан Уйчи туман ҳокимлигида "Ўқув-семинарлар натижадорликка етаклайди" мавзусида ўқув-семинари ўтказилди.

Унда ЎзДП Наманган вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари масъуллари, Уйчи туман Кенгаши депутatlари, тарғиботчилар гуруҳи аъзолари ҳамда фаол ёшлар иштирок этди. Ўқувни вилоят партия кенгаши раиси Илҳомжон Атабаев кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Семинарнинг асосий мақсади туман партия Кенгаши ташкилоти фаолиятини ўрганиш ва ижобий тажрибасини партия тизимида омалаштиришга қаратилди. Дастурга кўра, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, депутатларнинг сайловчилар билан алоқаларини янада кенгайтириш, депутатлик масъулиятини ошириш белгиланган. Шундан келиб чиқиб, Уйчи туман Кенгаши котибати мудир, туман партия гуруҳи раҳбари Акрамжон Абдуғаппаров тақдиримот ўтказди ва бу борада туман партия гуруҳининг иш тажрибаси билан ўртоқлашди.



Гулрӯх ОДАШБОВЕВА  
тайёрлади.

### ХОРИЖ ПАРЛАМЕНТИ

## АҚШ ПАРЛАМЕНТИДА УСТУНЛИК КИМ ТОМОНДА?

Кучли парламентсиз жамият ўсмайди, давлат демократик ривожланмайди. Шу маънода АҚШ парламенти дунёдаги энг намунали, энг муросасиз парламентлардан биридир.

8 ноябрь сайлов куни АҚШ Вакиллар палатаси, федерал парламент куйи палатаси (Конгресс)нинг барча аъзоси, яъни 435 вакил сайланди. Шунингдек, Конгресс юқори палатаси Сенатнинг 100 аъзосидан 35 нафарини сайлади. Бундан ташқари, штатларда минтақавий ва маҳаллий даражада, жумладан, 39 нафар губернатор сайловлари бўлиб ўтди.

Деярли барча таҳлилчилар Вакиллар палатасида кўпчилик ўрни Демократик партиядан Республикачилар партиясига ўтишини башорат қилган эди. Аммо олдинги икки йилда демократлар фақат вице-президентнинг овози тўғрисида кўпчиликка эга бўлган Сенат учун олдиндан айтиб бўлмайдиган кураш бошланди, дейилганди. Умуман олганда, гарчи оралиқ натижалар эълон қилинаётганда сайлов натижалари сўнгги дақиқаларгача ноаниқ туюлган бўлса ҳам, прогнозлар тўғрисида. Сенатга сайловда овозларни санада қизгинлик охиригача давом этди.

Юқори палатада кўпчиликни қўлга киритиш учун сайловлар ўтказилган 35 штатнинг 14 тасида демократлар етакчилик қилиши керак эди. Республикачиларга эса 35 штатдан 22 тасининг қўллаб-қувватлаши зарур бўлган.

Овозларни санаб жараёнида 12 штат демократлари, 20 штат республикачиларни ёқлагани маълум бўлди. Қолган учта ҳудуддаги овозларни санаб учун вақт талаб этилди. Аризонада демократ Марк Келли, қўшни Невада штатида республикачи Адам Лаксальт етакчиликка эришди. Демократлардан Рафаэль Уорнок ва Хершель Уокернинг ғалаба қозониши эҳтимоли тенг бўлиб туюлган Жоржиядаги овозлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди.

Натижада овозлар санаб бўлингандан сўнг ҳеч ким Жоржияда устунликни қўлга киритолмади. Яъни, Уорнок 49,4 фоиз, унинг рақиби эса 48,5 фоиз овозга эга бўлди. Мамлакат қонунчилиги кўра, номзодларнинг ҳеч бири сайловчиларнинг ярмидан кўп овозини ололмагани учун 6 декабрь кунига сайловнинг иккинчи босқичида иштирок этиш белгиланди.

Сенат сайловлари натижаси Жоржияда бўлиб ўтадиган иккинчи тур овоз бериш якунига қараб



ҳал бўлиши керак эди. Аммо жараёнда кескин бурилиш юз берди. Агар Аризонада пешқадам бўлган Марк Келли якунда ғалаба қозongan бўлса, Адам Лаксальт марра чизигида Невададаги демократ рақиби Кэтрин Кортез Мастого имкониятни бой берди. Натижада фарқ белгиланган фоиздан кам, яъни 48,9 фоизга нисбатан 48,0 фоиз бўлди. Лаксальт мағлубиятини тан олди ва голибни табриклади.

Республикачилардан бўлган номзод Twitter'да эълон қилган муносабатда ҳали ҳам Кўшма Штатлардаги сайлов қонунчилигини рози эмаслигини билдирган. Сיעсатчининг фикрича, Америка парламенти янги сайлов қонунларига яхшироқ мослашиши ёки уларни тузатиш устида ишлаши керак.

АҚШда почта орқали ҳам овоз бериш йўлга қўйилган бўлиб, одатда унинг натижалари энг охирида саналади ва кўп ҳолларда республикачилар фойдасига ҳисобланади.

Шундай қилиб, демократлар Сенатдаги зарур 50 ўринни қўлга киритди. Бундан

кўриндики, собиқ республикачи футболчи демократ руҳонийни мағлуб этган бўлса ҳам, парламентдаги кўпчилик республикачиларга насиб қилмайди. Сабаби, яна бир демократ — вице-президент Камала Харриснинг овози тўғрисида демократлар кўпчиликни қўлга киритади.

Манбаларда ёзилишича, Вакиллар палатасига сайловлар кўпчилик таҳлилчилар кутганидан анча қизгин бўлиб чиқди. Овозларни ҳисоблаш марра чизигида етиб борар экан, қўллаб-қувватлаш республикачилар етакчиси ва унинг демократ таъкибчиси ўртасида тафовут тезда қисқариб борди. Невада штатидаги сенатор сайловида бўлган каби бу сингари ҳолатларнинг сони қанча бўлишидан қатъи назар, етакчи барибир алмаштирилади.

Бирок, кескин вазиятга қарамай, республикачилар бир қатор "баҳсли" сайлов округларида ғалаба қозонишди.

Республикачилар 16 ноябрь куни Калифорния округларидан бирида қўлга киритилган

ғалаба тўғрисида овоз қилинган 218-ўринни ҳам қўлга киритди. Умуман олганда, анъанавий равишда демократлар учун овоз берадиган АҚШнинг аҳолиси энг кўп бўлган штатида республикачилар 53 ўридан 11 таси ёки ҳали санаб чиқилмагани инobatга олинса, 12 тасини қўлга киритди. Икки йил олдин улар ҳам 11 ўрин, тўрт йил аввал эса бор-йўғи 7 ўринга эга бўлган эди.

Парламент куйи палатаси республикачиларга ўтгани (бундан олдин иккала палата ҳам демократлар назоратида эди) уларга қонун ижодкорлиги фаолиятига кўпроқ таъсир ўтказиш имкониятини беради. Эндиликда юқори ва куйи палаталарнинг қўшма кўмитасида кўпроқ қонун лойиҳалари муҳокама қилиниши эҳтимолдан холи эмас. Натижада уларнинг ўртасида келишмовчиликлар юзага келиши мумкин. Аммо қонунни қабул қилиш учун ҳар қандай ҳолатда ҳам Конгресснинг иккала қисми ўртасида консенсус талаб қилинади.

Вакиллар палатасининг мутлақ ваколатларидан фақат президентга импичмент эълон қилиш ҳуқуқини таъкидлаш мумкин. Назарий жиҳатдан худди куйи палатани назорат қилган демократлар аввалроқ Дональд Трампга қарши қўллагандек республикачилар бунини Жо Байденга қарши амалга ошириши кутиладиган ҳолат. Бироқ импичмент тўғрисидаги қарор Сенатдаги учдан икки кўпчилик овоз билан маъқулланиши зарур.

Қонунчиликка кўра, Сенатга раислик қилувчи АҚШ вице-президенти Сенатда муайян масала бўйича овозлар тенг бўлингандагина овоз бериш ҳуқуқига эга.

АҚШ Конгресси йиғилишлари Капитолий биносида бўлиб ўтади. Бино 1800 йилларнинг бошида Конгресс учун қурилган. Бинонинг жанубий қисми вакиллар, шимолий қисми эса сенаторларга мўлжалланган. Конгрессмен бўлиш учун 25 ёш, сенаторликка эса 30 ёш тавсия этилади.

Яна бир эътиборли жиҳати, уларнинг қонунлари тез-тез ўзгартирилмайди. Парламентдаги ҳозирги тартиб-қоидага 89 йилдан бундан, яъни 1933 йилда киритилган охириги ўзгаришдан бери амал қилиб келинади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА  
тайёрлади.

## УЗИБ ҚҮЙИШЛАР УЧУН ЖАРИМА ТЎЛАНИШИ ЁКИ ЗАРАР ҚОПЛАНИШИ КЕРАК

Куз охирида, кунлар совий бошлаб, муржаатлар, шикоятларда деярли бир хил муаммо кўтарилди. Бугунги кунда одамлар учун энг муҳим масалалардан бири ўз хонадонларини узлуксиз электр энергияси ва иссиқлик билан таъминлашдир.

Бу борада кўплаб муаммолардан ташқари, иккита долзарб масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур. Биринчидан, энергия таъминоти бўйича мамлакатимизнинг турли ҳудудларида турлича ҳолат кузатилмоқда. Қишлоқ туманлари ва шаҳарларда таъминот билан боғлиқ вазият вақт ва сифат нуқтани назаридан ҳам бир-бирдан тубдан фарқ қилмоқда. Ҳаётий зарур маҳсулот ва хизматлар билан таъминлашда ижтимоий тенгсизликка умуман йўл қўйиб бўлмайди. Бу қўшимча норозиликларга сабаб бўлиши мумкин.

Умуман, аҳолини электр энергияси, газ, кўмир билан таъминлаш тизимларини қайта кўриб чиқиш вақти аллақачон келди. Аввало, ҳар бир ҳудуд кесимида эҳтиёжнинг реал миқдорни аниқлашни зарур ва шу асосда энергия манбалари, куз-қиш ойлари келмасдан қайта тақсимлашни ёки ташкил этилиши керак.

Иккинчидан, ҳаммамиз бевосита ёки билвосита электр энергияси ва газ истеъмолчиларимиз. "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун бор. Мазкур қонунда кафолатланган ҳуқуқлар таъминотчи корхона-ташкilotлар томонидан мунтазам бузилмоқда. Хусусан, электр энергия ва газ учун аввалдан тўлов бўлгани ҳолда, истеъмолчилар ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз электр таъминотидан узиб қўйилмоқда. Бу ноқонуний, ноинсоний муносабатдир.

Ҳеч бир юрдошимиз, ҳеч бир истеъмолчи қишли-қировли кунларда хонадониде ёши улуг ота-оналари, гўдаклари, хомиладор аёллари совуқдан қийналишига тоқат қила олмайди.

Тадбиркорлар ёки ижтимоий соҳа ташкilotлари ҳам электр энергиясидан асоссиз узилган вақтларида оғир муаммоларга дуч келмоқдалар. Совутгичлар ишламагани сабабли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолга ярқоксиз ҳолга келмоқда, кичик бизнес вакиллариде ишлаб чиқариш тартиби бузилмоқда, иссиқхоналарга экилган, каттагина маблағ сарфланган ўсимликларни совуқ уриши оқибатиде деҳқонлар катта зарар кўрмоқда.

Кутилмаган ва кўнгилсиз ҳолатларнинг аксарияти таъминотчиларнинг ўз вазифаларига масъулиятсиз қараш сабаб рўй бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддасиде зарарни қоплаш масаласи аниқ белгиланган. Унга кўра, агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қоплашини талаб қилиши мумкин.

Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахсининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитиде олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Аслида коммунал хизматлар учун аҳоли ва таъминотчи ўртасиде тузиладиган шартномалар ҳар иккала томонга баравар масъулият юклаши зарур. Бунинг учун барча коммунал хизматлар учун таъминотчи ва истеъмолчи ўртасидеги шартномаларга юридик ҳужжат мақоми берилса, шартнома талаблари бузилган тақдирде истеъмолчининг ҳуқуқлари қонунан ҳимоя қилиниши бўйича асос яратилади. Етказиб берувчи ташкilotларнинг истеъмолчилар олдидеги мажбуриятини ошириш шарт. Олдиндан тўлов мавжуд бўлган ҳолларде энергиядан асоссиз узилган давр, истеъмолчига етказилган зарар учун таъминотчи жарима тўлаши ёки зарарни қоплаши белгиланиши керак.

Шунде таъминотчи ташкilotларнинг халқимиз, истеъмолчилар олдидеги масъулияти ошиб, етишмовчиликлар ва бошқа камчиликларнинг сабабларини бартараф этишга кўпроқ жавобгарлик ҳис қиларди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси.**

## Энергетика вазирлиги электр ва газ таъминотидаги узилишлар бўйича ўтказган матбуот анжуманида энергетика вазири ўринбосари Шерзод Хўжаев журналистлар саволларига жавоб берди.



— Ҳали қаттиқ совуқ тушмай туриб, жойларда соатлаб "свят" ўча бошлаганининг сабаби нимада?

— Мен очик айта оламан, бугунги кунда электр таъминотидаги узилишларнинг 90 фоизининг сабаби – электр тармоқларининг эскиргани ёки қуввати камлиги эмас, балки электр станцияларимизда электр энергиясини ишлаб чиқариш учун ёқилги етишмаслигидир. Албатта, бу ерда савол туғилади: сиз қандай технологияни ишлатишингиз бизга қизиқ эмас, электр таъминотининг узлуксизлигини сизлардан талаб қилишга ҳаққимиз бор, дейишингиз мумкин. Буни шунчаки ҳисобот тарзида айтиб ўтяпмиз. Ўзбекистонда электр энергиясининг 90 фоизи иссиқлик электр станцияларида ишлаб чиқарилади.

— Аввалги ҳокимият даврида «Лукойл» компанияси билан газ қазиб чиқариш бўйича тузилган узоқ муд-

датли шартнома шартлари давлат ва жамият манфаатларига зид бўлгани ҳақида айтилади. Мамлакат ичидеги газ танқислиги билан боғлиқ вазиятга сабаблардан бири ҳам айнан мана шу шартнома экани таҳмин қилинади. Ҳукумат шартнома шартларини ўзгартиришни ўйламаяптими?

— «Лукойл» компанияси бир кунлик режасини 101,4 фоизга бажарган. Ой бошидан қарасак ҳам ички бозорга йўналтириш бўйича барча мажбуриятларини бажаряпти. Шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон манфаатларига зид ёки зид эмас, деб бугунги кунда баҳо беришимиз бирмунча нотўғри. Чунки шартнома тузилаётган вақтдаги шароит қайсидир шартноманинг параметрларини тақозо этган. Лекин газ тақчиллиги бу шартнома шартларига боғлиқ эмас. Бу компания ҳам ўз мажбуриятларини бажаряпти.

— «Саноат энергетика гуруҳи»га газ экспорти бўйича яширин имтиёз берилганими?

— Саволга бошқачароқ қилиб жавоб бераман. Қазиб чиқарувчи ким бўлишидан қатъи назар, табиий газни экспорт қилиш оператори – «Ўзтрансгаз». Бугунги кунда экспорт деярли тўлалигича ёпилган. Рақам нуқтаи назаридан айтадиган бўлсам, 1 кунлик прогноз кўрсаткичларида 10 миллион кубометр табиий газ экспорт қилиниши режалаштирилган бўлса, бугунги кундаги экспортимиз 1 миллион кубометрга ҳам етмаяпти.

«Саноат энергетика гуруҳи»га конларнинг берилиши газ таъминотининг ёмонлашувига олиб келди-ми-йўқми, деган саволга аниқ жавоб айтаман. Кунлик газ қазиб чиқариш режасининг бажарилиши айнан «Саноат энергетика гуруҳи» тизимида 131 фоиз. Яъни, компания газ қазиб чиқариб, ички

бозорга йўналтириш бўйича ўз мажбуриятларини бажаряпти. Биз режани бажармаяпти ёки етарлича инвестиция киритмаслик натижасиде газ қазиб чиқариш суръатлари тушиб кетяпти, деб бу компанияга айбон қўя олмаймиз.

— «Ўзбекнефтгаз» тизимидаги қатор конларнинг «Саноат энергетика гуруҳи»га ўтказилгани ва бу «Ўзбекнефтгаз»нинг кўрсаткичлари пасайишига сабаб бўлмаётими?

— Биласизми, нефть қазиб чиқариш масаласига келсак, «Ўзбекнефтгаз» тизимидаги кўрсаткичларнинг кескин пасайишини «Саноат энергетика гуруҳи»га конларнинг берилиши билан изохлаш мумкин, лекин умумий қазиб чиқариш ҳажмига қарайдиган бўлсак, бугунги кунда деярли баланс кўрсаткичлари доирасиде амалга ошириляпти. Яъни, бу конлар «Ўзбекнефтгаз» тизимидан бошқа корхонага ўтди, дегани бу кон тўхтади ёки фойдаланилмаяпти, дегани эмас.

У конларнинг бериб юборилгани очикланмагани ҳақидаги такрорий берилган саволга жавобан, яна «давлат ва инвестор ўртасиде тузиладиган шартномалар ҳар доим ҳам очикланмаслиги»ни таъкидлади.

Бу ерда шартноманинг маҳфий қисмлари ҳам бор. Ўйлайманки, мана шу шартномалар ҳаммаси Ўзбекистон қонунчилигига асосланган ҳолда тузилган. Агар қонунчиликка зид томонлари бўлганида, Адлия вазирлиги ҳам ўтказмас эди, рўйхатга ҳам олинмас эди, у корхона ўз фаолиятини ҳам юрита олмас эди, деди Шерзод Хўжаев.

**Мухбирнинг гап миллий боиликлар ҳақида кетаётгани ҳақида мулоҳазасига вазир ўринбосари изоҳ бермади.**

**Куз фаслининг охириги ойида кунлар совуб, ёмғирли кунлар кўп бўлди. Баъзи тоғ олди ҳудудларида биринчи қор ҳам ёғди. Электр энергия ва табиий газ бўйича эски саволлар қўтарилди. Мазкур раҳбарлар эса баъзи саволларга жавоб топа олмаяпти ёки билганини қандай айтишни билмаяпти.**

**Ҳали қиш бошланишига бир ҳафта бор. Ҳамма танқидга, ҳис-ҳаяжонга берилиб кетди. Мутасадди идоралар масъулларининг уйда чироғи ва гази бўлиши мумкин, лекин ҳаловати йўқлиги аниқ. Ёхуд улар умуман таъсирланмай қўйишган. Вазиятни олдинги қишдагидан яхшилаш бўйича, наҳотки, улар ҳеч нарса қилмаган бўлса?..**



## “ҲАР СОВУҚДА ШУ БҮЛАР ТАКРОР...”

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг маълумотида бугунги кунда республикамизнинг айрим ҳудудларида электр таъминотида қисқа муддатли узилишлар кузатилаётгани билдирилган. Боиси, кунлар кескин совий бошлагандан сўнг истеъмолчиларнинг электр энергияси ва газга бўлган талаби ҳам ортган. Шунингдек, совуқ кунларда магистрал газ қувурлари ва тармоқларида табиий газ босимининг ҳам кескин пасайиши кузатилган. Бунинг оқибатиде электр энергиясини ишлаб чиқарувчи айрим иссиқлик электр станцияларига белгиланган ҳажмлардан кўра кам миқдорда табиий газ етказилган. Бу эса электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига олиб келган.

Бундай ҳолатларда электр энергиясини ишлаб чиқариш объектлари, юқори ва паст кучланишли электр тармоқлари, трансформатор пунктлари ҳамда подстанцияларда юктамаларнинг ортиши натижасиде содир бўлиши мумкин бўлган йирик аварияларнинг олдини олиш мақсадида республикамизнинг айрим ҳудудларида электр таъминотида қисқа муддатли чекловлар киритишга мажбур бўлинаётгани маълумотда айтиб ўтилган.

Худди шунингдек, айрим ҳудудларда аҳоли истеъмолчиларида табиий газ босимининг пасайиши ҳам кузатилмоқда. Ҳозирги пайтда барча ёқилги-энергетика объектларида махсус навбатчилик штаблари ташкил этилган бўлиб, мутахассислар томонидан юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар олиб берилмоқда.

Истеъмолчилардан вазиятни тўғри тушуниш сўралган ҳолда, тармоқларда юзага келиши мумкин бўлган йирик аварияларнинг олдини олиш ҳамда энергия ресурслари барқарорлигини таъминлаш мақсадида имкон қадар ўшбу ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишлари эслатиб ўтилган.

### ЯНГИ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАР ҚУРИЛГАН-КУ

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 3 та вилоятда умумий қуввати 1154 мегаваттга тенг бўлган 5 та янги иссиқлик электр станцияси ишга туширилди. Шунингдек, Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида 100 мегаватт қувватли йирик қуёш фотоэлектр станцияси фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳалар давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосиде хорижий компаниялар томонидан амалга оширилган.

Янги 6 та электр станция йилига 9 миллиард 660 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Яқин кунларда Сирдарё вилоятининг Ховос туманида 220 мегаватт қувватли иссиқлик электр станцияси ҳам ишга туширилади. Шундай қилиб, бир йилда 7 та электр станция ишга туширилмоқда.

Ишлаб чиқарилган электр энергиясини истеъмолчиларга сифатли етказиб беришни таъминлаш мақсадида ўтган ўн ойда юқори кучланишли 8 та подстанция модернизация қилиниб, уларнинг қуввати 1116 мегавольт амперга оширилди. 3 минг километрдан зиёд электр узатиш тармоқлари ва 1033 та трансформатор пунктлари янгиланди.

Энергетика вазирлигига кўра, совуқ кунларда магистрал газ қувурлари ва тармоқларида табиий газ босимининг ҳам кескин пасайиши натижасиде электр энергиясини ишлаб чиқарувчи айрим иссиқлик электр станцияларига керагидан кам боряпти. Истеъмолчилар хафа бўлмаса ҳам бўлади шекли, ҳали электр энергияси ва табиий газ бир-бирини охиригача тушуниб олгани йўқ.

### ҚАНЧА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БОР ЎЗИ?

Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида республикамизда жами 60,6 миллиард кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилган.

Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,9 миллиард кВт-соатга ёки 5,1 фоизга кўпни ташкил қилади.

Ўтган ўн ой давомида республика истеъмолчиларига 51,3 миллиард кВт-соат электр энергияси етказиб берилган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,5 миллиард кВт-соатга ёки 5,2 фоизга кўпни ташкил қилган.

Куз-қиш даврида республика истеъмолчиларига жами 34 миллиард 565 миллион кВт-соат (ўтган куз-қиш мавсумига нисбатан 2 миллиард 254 миллион кВт-соатга кўп) электр энергияси етказиб бериш режалаштирилган, шу жумладан, мавсум давомида аҳолига 10 миллиард 759 миллион кВт-соат электр энергияси етказиб берилиши кўзда тутилган.

Хуллас, бугун Ўзбекистон аҳолисига бир кунлик ички эҳтиёж учун 230-232 миллион кВт-соат электр энергияси етказиб бериляпти. Бир қисми ўзимизда ишлаб чиқарилса, яна бир қисми эса қўшни давлатлардан импорт қилинмоқда.

Аҳолининг электр энергияга ҳақиқий талаби 245 миллион кВт-соатни ташкил қиларкан. Ўртадаги тафовут 15 миллион кВт-соат экан. Бу тафовутни бартараф этиш учун вазирлик ҳамда вазирлик тизимидаги барча ташкilotлар чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан экан.

Рақамларга, саволларга жавобларга қараганда, ҳаммаси жойида ўхшайди. Лекин ҳудудлардан мурожатлар, ижтимоий тармоқларда ҳар хил фикрлар тўхтамайди. Рақам бошқа, ҳаёт бошқадек гўё. Оқибатда фуқаролар ҳам, иқтисодиёт ҳам жабр кўрляпти. Оқибатдан бошқа оқибатлар ҳам келиб чиқади.

**Бу мавзуда яна нима дейиш мумкин?..**

**Тотшемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
“Ўзбекистон овози” мухбири.**

## MEHNATGA HAQ

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

# АДОЛАТ ТАРОЗИСИ БУЗИЛМАГАНМИ?

**БУГУН ДУНЁ БОШҚАЧА. ҲАММА НАРСА ЭРКИН. МАСАЛАН, КИМНИНГДИР БИР ХИЗМАТИ УЧУН ЖУДА КАТТА ҲАҚ ТЎЛАНИШИ МУМКИН ЁКИ АКСИНЧА, ЯНА БИРОВ АРЗИМАГАН ПУЛГА ЭГА БЎЛАДИ. МАШХУР АКТЁР ВА АКТРИСАЛАР БИТТА РОЛИ УЧУН БИР НЕЧА МИЛЛИОН ДОЛЛАР ҲАҚ ОЛИШИ МУМКИН. БУНДАЙ КАТТА МАОШГА ЭГА КИШИ ОРАСИДА ФУТБОЛЧИЛАР ҲАМ КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. МЕССИ ЙИЛИГА ҚАРИЙБ БИР НЕЧА МИЛЛИОН ДОЛЛАР МАОШ ОЛАРКАН. АСОСИЙСИ, ЖАҲОНДА ҲАР КИМ ИҚТИДОРИ, ҚИЛАЁТГАН ИШИ, КЕЛТИРАЁТГАН ФОЙДАСИГА ҚАРАБ ҲАҚ ОЛИШИ МУМКИН. ҲЕЧ ҚАНДАЙ ЧЕКЛОВ ҲАМ ЙЎҚ ВА АДОЛАТДАН.**

**ЛЕКИН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН ОЙЛИК ТЎЛАШДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБ-ҚОИДА МАВЖУД. ЧУНКИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДА ҲАММАНИНГ, ҲАР БИР ИШЛОВЧИНИНГ, СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ҲАҚКИ БОР. УНДА КИМДИР КЎПРОҚ, КИМДИР КАМРОҚ МАОШ ОЛИШИ ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК, АДОЛАТ ТУШУНЧАЛАРИНИ БУЗМАГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ. ЮРТИМИЗДАГИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ АППАРАТИ ОЛАЁТГАН КАТТА МИҚДОРДАГИ ОЙЛИКЛАР БИЛАН ШУ ТИЗИМЛАРДА, АММО ҚУЙИРОҚДА, ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ИШЛАЁТГАН ХОДИМЛАР ОЙЛИКЛАРИДА КАТТА ФАРҚ, АДОЛАТСИЗ ФАРҚ ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН ҲОЛАТЛАР БОР. БУНИНГ САБАБИ НИМАДА?**

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган тартиби, ўзига хос усул ва шакллари бор. Масалан, 2019 йил 21 майда қабул қилинган «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Президенти фармонида кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасига мувофиқ тасдиқланади.

Бюджет томонидан молиялаштирилган ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солиш, республиканинг айрим ҳудудларидаги табиий-иклим шароитларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, меҳнатга ҳақ тўлашни ҳудудий тартибга солиш масалаларида бозор тамойилларини кенг жорий этиш, ёндашувларни бир хиллаштириш асосида ходимларни рағбатлантириш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш механизмининг янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳам тасдиқланган.

Умуман олганда, меҳнатга тўланадиган ҳақ шунчаки осмондан олиб ёзиб қўйилган рақамлар ортиндан келиб чиқмайди. Шунингдек, қатор тегишли ҳужжатларда ходимларнинг ойлик иш ҳақларига қўшимча устамалар, моддий рағбат ажратилиши билан боғлиқ меъёрлар ҳам белгиланган. Табиийки, бу турли соҳа ва тизимлардаги меҳнат фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ўзгарувчан кўринишга эга бўлади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети иқтисодчиси Шоҳрух Ёқубов ўзи ишлайдиган тизим мисолида саволларимизга жавоб берди.

**— Ойлик маошлари қай тартибда белгиланади? Яъни, энг кам ҳақ тўлашнинг неча баробари миқдорда бўлиши керак?**

— Ойлик таълим мисолида оладиган бўлсак, ойлик маошлар бериш тартиби иккига бўлинади. Биринчиси, базавий лавозим маошлари ҳамда тариф разрядлари бўйича белгиланган ойликлар бўлади. Базавий лавозим маошлари Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамкорлигида қўшма қарор шаклида тасдиқланади. Унда 4-5-6-8 миллион шаклида ўқитувчи, раҳбар ходимлар ойлиги белгиланади. Ана шу асосда ҳақ тўланади. Тариф разрядлари бўйича белгиланган коэффицентлар Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра амалга оширилади. Яъни, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори белгиланган. Ҳозирги кунда бу 920 минг сўмни ташкил қилади. Ўшанга нисбатан биринчи разряд 920 минг деб олинган, шу асосда 22 разрядгача ҳар хил лавозимга турли маош белгиланади. Ўз шкаласи ҳамда коэффицентларига мослаб кўтарилиб боради. Таъкидалашни истардимки, республикамиз ҳудудида энг кам иш ҳақи 920 минг сўмдан кам бўлиши

мумкин эмас.

Масалан, ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудири каби лавозимларга ажратилган штатларга ҳақ тўлаш белгиланган бўлади. Ҳукумат ва Президент қарорлари билан ўзгартириб борилади. Айни пайтда кафедра мудирининг базавий лавозим маоши 10 211 640 сўмни ташкил қилса, стажёр ўқитувчининг ойлиги 5 500 601 сўм эди белгиланган.

Ойлик таълим мисолида оладиган бўлсак, педагоглардан ташқари ходимларнинг ойлиги ҳукуматнинг тегишли қарорига кўра белгиланади. Унда лавозим маошларини белгилаш тартиби ҳам ёзиб қўйилган. Мисол учун, бўлим бошлиғи 12 разрядда маош олса, унинг ойлиги 1976160 сўм бўлади. Бундан ташқари, профессор-ўқитувчиларга соатбай асосида ҳақ тўлаш тартиби ҳам бор. Ойлик ва ўрта махсус, Халқ таълими ва меҳнат, табиийки, Молия вазирликлари билан келишилган ҳолда қарор қабул қилинади. Профессор, фан доктори, фалсафа докторларига 1,66 фоиз соатбай ҳақ тўланади ва у айни пайтда 161 649,2 сўмни ташкил қилмоқда.

**— Ташкилотлардаги ойлик устама ҳақлари неча фоизгача белгиланиши қонунан тўғри бўлади?**

— Давлат олий таълим муассасалари иккига бўлинади. Улар ўзини ўзи молиялаштиришга ўтганлар ва бюджетдан молиялаштирилганлар ОТМларга бўлинади. Давлат томонидан молиялаштирилган муассасаларда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йилдаги қарори билан ходимларга моддий ёрдам, рағбатлантириш ва устамаларни белгилайди. Қандай ҳолатда ва қанча миқдорга берилиши ҳам ёзиб қўйилган.

Ҳозирги кунда 37 та ОТМ ўзини ўзи молиялаштиришга ўтган бўлиб, уларда Президентимизнинг 2019 йилдаги битта ҳамда 2021 йил декабрдаги иккита қароридан кўрсатилган тартиб асосида ҳақ тўланади. Яъни, ўз фаолият самарадорлиги, хусусан, КРИ тизими мезонларини ишлаб чиқади ҳамда кузатув кенгашидан тасдиқлашиб, ана шу асосда қўшимча ҳақ жорий қилинади.

## ТАБАҚАЛАШУВНИ БЕКОР ҚИЛИШ НАЗАРДА ТУТИЛГАН

Мутахассис жавобларидан кўриндики, ҳар бир тизим ва ҳар бир ташкилот белгиланган меъёрлар асосида маош олади. Масалан, ОТМдаги ойлик билан мактаб ёки мактабгача таълим муассасаларидаги тўланадиган ҳақ ўртасида фарқ бор. Айни пайтда бир ўқитувчи ўртача 2-2,5 миллион сўм миқдорда ойлик олаётган бўлса, бу кўрсаткич вазирликлар кесимида анча юқори бўлиши турган гап.

Шу ўринда яна бир тартибни

келтирмақчимиз. Яъни, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар тайинлаш ҳамда солиқлар, давлат божлари, жарималар, йиғимлар ва бошқа тўловларни ундириш ўртасидаги шартларнинг боғлиқлигини бартараф этиш мақсадида қабул қилинган Президент фармонида кўра, Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида тасдиқланган ҳукумат қарорида табақалашувга чек қўйиш назарда тутилган.

Қарорга кўра, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорини ва уларни моддий рағбатлантиришнинг бошқа турларини аниқлашга ягона услубий ёндашув татбиқ этилган. Айрим вазирлик ва идоралар учун тариф ставкаларига ошиб борувчи коэффицентлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича гуруҳлари белгиланиши натижасида вазирликлар ва идоралар, шу жумладан, уларнинг ҳудудий бўлинмалари ўртасида меҳнатга ҳақ тўлашда айни вақтда мавжуд бўлган табақалашувни бекор қилиш ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, моддий рағбатлантириш миқдорларининг ходим фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларига, унинг билим ва кўникмаларига, бажарадиган меҳнат функцияларининг мураккаблиги ҳамда жавобгарлиги даражасига бевосита боғлиқлиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

## ҲАММА ВАЗИРЛИКДА ҲАР ХИЛ БЎЛИБ КЕТГАН...

Яқинда Сенатда вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағларни масаласи муҳокама қилинган эди. Унда Молия вазири Тимур Ишметов бу энг орғиқли масала эканини, жамғармага тушумлар ва харажатлар бюджет орқали амалга оширилиши кераклигини таъкидлаган.

“Биз бундай жамғармаларнинг тушумларини тўғри бюджетга йўналтириб, харажатларини ҳам бюджетдан амалга ошириш тарафдоримиз.

Маблағларнинг асосий қисми вазирликлар ходимларининг ойликларига қўшимча устамалар тўлашга қаратилган. «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонун чиққандан кейин ҳаммасининг харажатлари бюджетга йўналтирилади. Давлат ходимларининг ойлик тизимини унификация қилиш масаласини кўриб чиқамиз – ҳамма вазирликда ҳар хил бўлиб кетган. Ўша ҳал бўлса, маблағларнинг асосий қисмини тўғри бюджетга йўналтирса бўлади», - деб таъкидлайди вазир.

**Ваҳоланки, бюджетдан ташқари маблағ деган тушунчага чек қўйилиб, солиқ ва бошқа йўналишларда тушаётган пуллар тўғридан-тўғри Молия вазирлиги ҳисобига йўналтирилса, жамиятда ижтимоий масалалар тезроқ ечим топиши, муаммоларга комплекс чора кўриш имкони ортиши турган гап.**

Ваҳоланки, “бюджетдан ташқари”, деб аталаётган маблағлар ҳам аслида халқ пули ҳисобланади.

## БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМА МУАММОСИ

Бундай жамғармалар кўп. Бу фақат мисол учун. ИИВнинг Махсус бюджетдан ташқари жамғармаси бор. Махсулот ишлаб чиқармайдиган, экин экиб, ҳосил йиғмайдиган

**» Бу каби жамғармалар аксарият вазирлик-ташкilotларда мавжуд. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг жорий йил 25 октябрда ўтказилган ялпи мажлисида Ҳисоб палатаси ана шундай жамғарма ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Депутатлар турли эътирозлар билдирди. Аввало 12-15 кишилик ташкilot штат бирлигини кўпайтиришга уринаётгани ва бугунги кунда 70 дан ортиқ ходимга эгаллиги айtilди. Маъмурий баённома тузиш, кўриб чиқиш ваколати берилиши ҳам сўралди.**

вазирлик пулни қаердан олади?

Вазирлик сайтида кўрсатилшча, вазирликнинг 2018 йил 5 февралдаги 32-сон буйруғи билан тасдиқланган, ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий кафолатлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома асосида ички ишлар органларининг махсус унвонга эга бўлган ходимларига вазирликнинг Махсус бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан фоизсиз қарз бериш, моддий ёрдам кўрсатиш, мукофотлаш ҳамда маданий-оммавий кўнгилчар томошаларга боришлари учун маблағ ажратиш тартиби белгиланган.

Мазкур жамғарма маблағлари ҳар йили ходимларни ижтимоий ҳимоялаш учун ажратилади. Масалан, яшаш шароитини яхшилашга муҳтож ходимларга уй-жой сотиб олиш, таъмирлаш, уй-жой қуриш, қурилиш моллари сотиб олиш, ипотека кредити учун дастлабки бадал тўлови ва бошқа шу каби мақсадлар учун беш йилдан кўп бўлмаган муддатга базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваридан ошмайдиган миқдорда фоизсиз қарз бериш назарда тутилган. Шунингдек, тўй-тантаналари ва бошқа тадбирлар ўтказиш учун ходим пул таъминотининг икки бараваригача бўлган миқдорда бир марталик моддий ёрдам, пул мукофоти ёки қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаш ўрин олган. Ҳаттоки, уларнинг маданий-оммавий, кўнгилчар томошалар ва бошқа дастурларига боришларини таъминлаш ҳам шу маблағ, яъни асосан жарималардан тушган тушум ҳисобидан амалга оширилади.

**Бу каби жамғармалар аксарият вазирлик-ташкilotларда мавжуд. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг жорий йил 25 октябрда ўтказилган ялпи мажлисида Ҳисоб палатаси ана шундай жамғарма ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Депутатлар турли эътирозлар билдирди. Аввало 12-15 кишилик ташкilot штат бирлигини кўпайтиришга**

уринаётгани ва бугунги кунда 70 дан ортиқ ходимга эгаллиги айtilди. Маъмурий баённома тузиш, кўриб чиқиш ваколати берилиши ҳам сўралди.

Тўғри, Бюджет кодексига бюджет ташкilotлари жамғарма ташкил этиши мумкинлиги ёзиб қўйилган. Аммо бу кўп сонли ишчиларига эга, йирик тузилмалар учун ярашиши қайд этилди. Бутун бир армия бўлса, уларни ишга жалб қилиш учун жамғарма ташкил этилиши тўғри бўлиши мумкин. 70 кишига бунинг хожати йўқлиги таъкидланди.

**Айрим депутатларнинг фикрига кўра, ҳар ким ўзи истаган пайтда “бюджетдан ташқари” номи билан жамғарма тузиб олиши мумкин эмас.**

Энди бир ўйлаб кўрайлик. Ҳамма тузилма ўзига жамғарма ташкил қилиб олаверса, бюджетни ким тўлдирди? Жамиятдаги ижтимоий муаммоларга ечим топиш учун давлат пулни қаердан олади? Масалан, жарима ёки бошқа турда йиғилган пуллар, ўша жарималарни йиғган идораларга эмас, тўғри бюджетга, яъни Молия вазирлигига ўтиши керак. Сабаби, унда ҳаммининг ҳақи бор. Инсоф, тенглик ва адолат тамойиллари бузилмаётганмикин?..

**АҚШнинг Висконсин университети докторанти Беҳзод Ҳошимов ҳам давлат ташкilotларидаги “бюджетдан ташқари маблағлар” хусусида фикр билдирар экан, қуйидагиларни таъкидлайди. “Биринчидан, давлат ташкilotларида ҳеч қандай “бюджетдан ташқари маблағлар” мавжуд эмас. Яъни, барча давлат ташкilotларидаги ҳамма маблағ жамоат маблағлари ёки халқ пули ҳисобланади.**

“Лекин улар ҳар гал “бюджетдан ташқари” деганда, ростдан ҳам, мажозий “бюджет” сўзини ишлатишади. Чунки “Ўзбекистон Республикаси бюджетини”, деган иборатга, менга тушунарсиз сабабларга кўра, барча давлат харажатлари киритилмайди. Айнан шунинг натижасида, айрим давлат ҳокимият идоралари “бюджетдан эмас”, деган иборани қўллашади. Яъни, қандайдир маънода, агар қонун ҳарфига қарасак, улар ҳақ бўлишлари мумкин, лекин мохиятан албатта ноҳақ”, деб изоҳлаган иқтисодчи.

**Агар бугунги кунда қатор вазирликлар ходимларининг миниб юрган автомобиллари, юриш-туриши, уй-жойини инобатга олсак, уларнинг ойлиги 10 миллиондан анча баландлигини англаш қийин эмас. Норасмий манбаларга кўра, айрим вазирлик ходимлари 600 фоизгача устама ҳақ олаётган экан. Агар у ерда ишловчиларнинг ўртача маошини 3,5-4 миллион, деб олсак, 600 фоиз устама ҳақи билан бу сўмма 8-10 нафар оддий кишлоқ ўқитувчисининг маошига тенг бўлиши мумкин.**

Айрим вазирликларнинг марказий аппаратида турли байрамларда бериладиган мукофот ва ёрдам пуллари ҳам кишлоқ жойлардаги шароити ҳаминқадар мактабда йиллар давомида ишлаб юрган 2-3 нафар ўқитувчининг ойлик меҳнат ҳақидан кам бўлмаяпти.

Аввало, ҳаммага олган пули буюрсин, ҳалоли бўлсин. Ижтимоий тенглик, ижтимоий адолат тушунчаларига пугур етмаяптими, деган андишани ҳам унутмаслик керакка ўхшайди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, “Ўзбекистон ovozi” муҳбири.**

# ДЕНОВДА “ШАЙТОН КЎПРИК” ПАЙДО БЎЛДИМИ?

**Денов туман ҳокимлиги ва “Тўрон-мега строй” масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари яна қачонгача халқни алдайди?**

Газетамизнинг шу йил 11 май сонида “Деновда “шайтон кўприк” пайдо бўлди ми?” сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган. Унда “Тўрон мега строй” масъулияти чекланган жамияти томонидан “Ҳазорбоғ-Оққапчиғай” каналида қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлангани ва юк ташувчи залворли техникаларнинг мунтазам ҳаракатланиши натижасида “Чўнтош” маҳалласидаги кўприк (ПК-141+96-ҳудуд) шу йилнинг баҳорида ярқисиз аҳволга келиб қолгани ҳақида сўз юритилган. Ярни узилиб тушган иншоот ўрнида эса “осма кўприк” (эни ва бўйи қарийб 1 метр) ўрнатилгани ва ҳалинчакдек “ликкиллайдиган” сув ўтказгич хавфли эканлиги баён қилинган. Шунингдек, 3 минг 200 нафарга яқин аҳолининг бир километрдан ортиқ айланма йўлдан юришга мажбур бўлаётганию, 200 нафардан зиёд ўқувчиларнинг мактабга қатнашида муаммолар юзага келгани хусусида фикр-мулоҳаза билдиргандик.




Мана, орадан беш ойдан кўпроқ вақт ўтди. Хўш, янги кўприк қурилиб, муаммолар ечим топди ми?

“Ўзбекистон овози” газетаси таҳририятига ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчиман, - дейди “Чўнтош” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП фаоли Ҳимматой Аллаёрова. - Таҳлилий чиқишдан кейин -14 май куни туман ҳокимлиги ва “Тўрон мега строй” масъулияти чекланган жамияти масъуллари аҳоли билан учрашди. Ҳолат жойида ўрганилди. Мутасаддилар кўприк шу йилнинг 14 июли эки энг кечи билан 21 октябргача фойдаланишга топширилишини айтишганди.

Шундан кейин зудлик билан қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланди, денг. Бузилган иншоот олиб ташланиб, тош, шағал ва бетон парчалари кирғоққа чиқарилди. Тўпроқ тўшалиб, бироз текисланди. Бундан кексаю ёш бирдек мамнун бўлганди.

Аммо хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. Бунёдкорлик ва яратувчанлик юмушлари негадир бирдан тўхтади-қолди. Техникалар олиб кетилиб, ваъдалар қумга



сингган сувдек унутилди.

Бугун аҳолимиз яна ўша-ўша – эски ҳаммом, эски тос. Одамлар ёзда чанг, қишда лой йўлдан юришга мажбур бўлмоқда. Ўнқир-чўнқир кўчада автомобиллар ҳаракатланиши амримаҳол. Қарийб тўрт ойдан буён (апрель, май, сентябрь, октябрь ойлари) бошланғич синф ўқувчиларининг бир қисми мактабга боролмаяпти. Ота-оналар хавотирда, устоз ва мураббийлар сарсон-саргардон.

Аччиқ ҳақиқатни айтадиган бўлсам, маҳаллий амалдорлар халқни “овутиш” учун шундай йўл тутган кўринади. Аксинча, кўпнинг дарду ташвиши тингланиб, мушкуллар аллақачон осонлашган бўларди-да.

- Баҳор ва ёз ойларида “Ҳазорбоғ” канали тўлиб оқди, - дейди Баҳодир Абдурахмонов. - Сув ва сел “довруғи дoston”

кўпригимиздан ошиб ўтганини ҳамма кўрган. Ўша паллаларда почта шимариш “урф”га айланиб, оёқланган юриш “одат” бўлганди. Дарё қуриганда эса чанг ва тўзонга “буркандик”. Одамлар “обиҳаёт” сотиб олиш “анъана”сига кўникди. Томорқалардаги экин-тикин буткул қуриб битди.

Ишонасизми, чорак асрдан буён кўркам болалар боғчаси бўлиши, абгор кўчалар таъмирланиши, аҳолини тоза ичимлик суви билан барқарор таъминланиши, ўғил-қизлар учун кўркам спорт мажмулари қад ростлашини кўтиб яшаймиз. Қанийди, биздаям ишлаб чиқариш мажмулари фаолияти йўлга қўйилиб, қишлоқ ёшлари ва хотин-қизларнинг бандлиги таъминланса. Ишқилиб, янги кўприкни кўриш ҳам ана шундай армонларимиздан бири бўлиб қолмасин-да...

- Тўй ва таъзияга боришга қийнамаиз, - давом этади меҳнат фахрийси Тоҳир Муродов. - “Қил кўприк”қа қадам қўйиш биланок “ғичирлаган” овоз чиқади. Сал юргандан кейин “тебранади”. Тун қоронғусида “ёлғизоёқ йўл”дан ўтишни энди тасаввур қилаверинг...

Яна бир гап: каналнинг бир қисми сифатли таъмирланган бўлса, айрим жойлардаги ишлар гўёки хўжақўрсинга амалга оширилгандек. Ҳар жой-ҳар жойда сингган бетон парчаси, чиқинди уюмию, шағал тўдасига кўзингиз тушади. Эни қарийб - 25, чуқурлиги эса 2,5-3 метр келадиган дарёнинг тегишли қисмларида ҳимоя тўсиқлариям ўрнатилмаган.

Хуллас, дардимиз кўп. Мутасаддилар эса сукут сақлаб, томошбин бўлиб туришибди, холос. Ёки улар бирор нохуш воқеа бўлишини кутаяптимикин-а...

**Ёз фасли аллақачон ортда қолиб, кўзининг учинчи ойи ҳам поёнига етмоқда. Ёгин-сочини кунлар бошланган. Хўш, нега кўприк ўз вақтида фойдаланишга топширилмади? Бунинг асосий сабаблари нимада? “Чўнтош”ликлар яна қачонгача сабр қилиши керак?**

Шу ва бошқа саволлар билан Денов туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Феруза Тўраевага мурожаат қилганимизда, тўғриси, тайинли жавоб ололмадик.

Вақт – югурик. Ойлар йилларга айланмоқда. Қиш эшик қоқаяпти. Қарийб ярим йўлдан буён ичакдек чўзилиб келаётган масалага Сурхондарё вилояти ҳокимлиги мутасаддилари эътибор қаратса, Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йилда юртдошларимизнинг орзуси ушалган бўларди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
**“Ўзбекистон овози” муҳбири.**



## ЁНГИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ

**Ҳар биримиз ёнгинга қарши, унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона-ташкilotлар, давлат муассасаларида, биноларда шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз.**

Биноларнинг ертўла ва чордоқларда тез аланга олувчи моддалар – бензин, керосин, асетон ва бошқа суюқликларни сақлаш мутлақо мумкин эмас. Улар сақланадиган жойда эса очиқ оловдан фойдаланиш, шам ёқиш ёки гугурт қақиш қатъиян ман этилади. Чунки бундай эҳтиётсизликлар катта портлашларга сабаб бўлиши амалиётда кўп учратилган. Бундай катта офатлар нафақат шу ташкilot ва хонадон аҳли, балки қўни-қўшниларнинг ҳам хавфсизлигига таҳдид солади. Буларнинг олдини олиш учун эса ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш керак.

Кўнгилсизликларга йўл қўймаслик учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари шу масала бўйича аҳоли ўртасида тушунтуриш ишларини олиб боришмоқда. Айниқса, ёш болаларни қаровсиз қолдириш ҳам аҳоли турар жойларида ёнгинга олиб келувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Табиийки, ёш бола ўз ишини тўла тасаввур эта олмайди, қолверса, у ёнгин хавфсизлиги қоидаларини билмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли ота-оналар фарзандларини оловдан эҳтиётлаш билан бирга, ёнгин хавфсизлиги қоидаларини ҳам ўргатиб боришга мақсадга мувофиқ бўларди.

**Х.НАСИРОВ,**  
**Архив ва Халқ қабулхонаси биноларида ЁҲТЭ бўлинмаси мутахассиси, катта сержант.**

# ҒОЯ – ТАШАББУС – ИМКОНИЯТ

**Илм-фан давлатни ривожлантиришга етакловчи асосий куч ҳисобланади. Буюк бобоқлонимиз айтганидек, “дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмаган”.**

Илм-фан муаммолари иқтисодий ўсишга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга, ижтимоий соҳанинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга бевосита таъсир этади. Президентимизнинг 2020 йил 29 октябрдаги фармони билан тасдиқланган Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида мазкур йўналишни ривожлантириш йўлидаги муаммолар алоҳида белгиланган. Корхоналар ва ОТМлари ўртасида ҳамкорликнинг сустиги ҳамда илмий-тадқиқотлар биргаликда олиб борилаётгани, илм-фан ва илмий фаолиятга молиявий ресурсларнинг етарли даражада йўналтирилмаётгани шулар жумласидандир. Бугунда бу муаммоларни ҳал қилиш муҳим бўлиб, ҳар томонлама ва чуқур ўйланган чоралар кўришни талаб этади.

Ушбу муаммоларни бар-тараф қилиш ва корхоналар ўртасида ҳамкорликни янада ошириш мақсадида Илм-фан Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида «Материалшунослик, материаллар олишнинг инновацион технологиялари ва пайвандлаш ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари-2022» мавзусида республика илмий-техник анжумани бўлиб ўтди. Ушбу анжуман материалшунослик, материаллар олишнинг инновацион



технологиялари ва пайвандлаш соҳаларини ривожлантириш, энерготехмакор технологияларни жорий этиш, соҳасидаги долзарб муаммоларни илмий муҳокама қилиш ҳамда фикр алмашишга бағишланган.

– Бугунги кунда университетимизда фаолият кўрсатаётган илмий-тадқиқот ва инновация марказларида профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, ёш олимлар иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган инновацион тадқиқотлар олиб бормоқда, – дейди “Материалшунослик” кафедраси мудири, техника фанлари доктори, профессор Файзулла Норхўжаев. – Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик механизминини йўлга қўйиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва ишлаб

чиқариш корхоналари билан алоқаларни кучайтириш мақсадида илмий-техник кенгаш фаолият юритмоқда. Тармоқ ишлаб чиқариш корхоналари билан юздан ортиқ инновацион корпоратив ҳамкорлик шартномаси имзоланган.

Анжуманда республика миқдоридаги етакчи ишлаб чиқариш корхоналари, жумладан, “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖ (Бекобод ш.), Тошкент труба заводи, “TURON ABRASIVE” МЧЖ, “QUALITY ELEKTRONICS” ОАЖ каби ишлаб чиқариш корхоналарининг етук мутахассислари, хорижий давлатлардан ҳамкоримиз Беларус Миллий техника университети ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги институтларнинг олимлари, университетимиз ва бошқа олий таълим муассасаларининг

профессор-ўқитувчилари, докторантлари ҳамда магистрлар, талабалар қатнашди.

Анжуманда материалшунослик ва пайвандлаш соҳаларида қилинган ишлар натижаларининг янги инновацион усулларини топиш, муаммоларни таҳлил этиш ва уларнинг ечимлари бўйича илмий-тадқиқот олиб бориш, инновацион технологиялар асосида замонавий материаллар ишлаб чиқаришнинг истиқболли ривожланиш омиллари таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, ушбу йўналишда хорижий давлатларда илмий-тадқиқотлар олиб бораётган бўлажак олимларимиз “Zoom” платформаси орқали ўз мазрузалари билан қатнашишди.

Республика илмий-техник анжуманда қатнашчилар шўьбаларга бўлинган тарзда ўз ишларини давом эттиришди.

**Ўз муҳбиримиз.**

## ЭЪЛОН

**«BANYAN» МЧЖ бошланғич нархи боқичма-осқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!**

«BANYAN» МЧЖ томонидан “O'zbekiston ovozi” газетасининг 19.10.2022 йилдаги №42(32736)-сонида берилган эълондаги Тошкент вилояти, Бўка шаҳри, Магистрал кўчаси манзилида жойлашган 28-сонли дорихона биносининг умумий 0,1814 га ер майдонига №327/01-сонли буюртманомаларига асосан қуйидаги тартибда такрорий очик аукцион савдоларига қўйилмоқда: 1. Икки қаватли ертўлали 28-сонли дорихона биносининг умумий 0,1814 га ер майдонига жойлашган умумий қурилиш ости майдони 975,19 кв.м. дан иборат бўлган 1-қават ва ертўла қисми ва қўшимча бино иншоотлари. Бошланғич баҳоси 2 499 700 000 сўм. Аукцион савдоси 2022 йил 2 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 2. Икки қаватли ертўлали 28-сонли дорихона биносининг умумий майдони 384,42 кв.м.дан иборат бўлган 2-қавати ҳамда биринчи қават бир қисми. Бошланғич баҳоси 1 000 300 000 сўм. Аукцион савдоси 2022 йил 2 декабрь куни соат 15.00. да бўлиб ўтади. Кўчмас мулкнинг бошланғич баҳоси ҚҚСни инобатга олган ҳолда белгиланган.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2022 йил 2 декабрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 19 декабрь ҳамда 2023 йил 6,23 январь ҳамда 8,24 февраль кунлари бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан буюртмачи ташкilot вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкilotчи билан тузилладиган закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Аукцион савдосида иштирок этувчи талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунларида (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00.дан 16:00.гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш куни олдин соат 16:00. да тўхтатилади. Савдо қилинган аукцион савдоси натижалари бўйича қўшимча баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 банк куни ичида савдо ташкilotчи билан рақамига мулк сотув шартномасидан 3 фоиз миқдорда пул наблига тўла бериш ва 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулклар учун тўловлар амалга ошириш мuddати олди-сотиш шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар «BANYAN» МЧЖ. АТ “Xalqbank” Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими. х/р: 20208000100757166001. МФО 01132. СТИР 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 1А-уй. Телефон: +998-71-207-25-53.

Лицензия RR - 0298.

## FUTBOL

+15 Корақалпоғистон Республикаси  
+20 Хоразм+16 Бухоро  
+21 Навоий+15 Тошкент Самарқанд  
+20 Жиззах Сирдарё+18 Қашқадарё  
+23 Сурхондарё+7 Андижон Наманган  
+12 Фарғона+16 Тошкент  
+18 шаҳри

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz



## АРГЕНТИНАНИНГ МУНДИАЛДАГИ «СОВФАСИ»

Аргентина Қатарда ўтаётган жаҳон чемпионатида сенсацион тарзда мағлубият аламини тортиб кўришга мажбур бўлди. Жанубий Америкаликлар мусобақанинг биринчи турида қутилмаганда Саудия Арабистонига 2:1 ҳисобида енгилди. Дунёнинг энг кучли жамоалари қаторида эътироф этилаётган, бундан ташқари, Лионел Месси бошчилигида термадан ҳеч қайси муҳлис бу натижани қутмагани аниқ.

Айни вақтда бу Қатар мезбонлик қилаётган мундиалнинг энг драматик тарзда ўтган учрашуви бўлиб турибди. Бирок, ҳали олдинда бутун бошли гуруҳ ўйинлари турибди. Мана шу ғалаба ортидан Саудия Арабистони жаҳон чемпионатлари тарихида иккинчи бор уч очкони кўлга киритди. Аргентина эса ўттиздан ортиқ ўйинда қайд этиб келаётган мағлубиятсиз сериясига яқун ясади. Жамоага нав-

батдаги рекордни ўрнатишда саудияликлар қаршилик кўрсатди. Гуруҳнинг иккинчи баҳсида бугун Польша ва Мексика жамоалари майдонга тушади. Саудия эса мазкур учрашув тугагунча гуруҳда пешқадамликни сақлаб туради.

Умуман олганда Қатардаги жаҳон чемпионати Осиё жамоалари учун омадсиздек ўтаётган эди. Сабаби, мундиалнинг очилиш ўйинида мезбонлар қутилмаганда Эквадорга 2:0 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Кеча «Б» гуруҳидан жой олган Эрон термаси эса инглизларга йирик 6:1 ҳисобида мағлуб бўлди. Саудия Арабистонининг ғалабаси осиёлик муҳлисларга яна бир бор байрам кайфиятини улаша ажаб эмас.

Жаҳон чемпионатининг ташкилий масалалари ҳам аъло даражада эканлигини кўришимиз мумкин. Ўзгача ёндашувлар, маданиятлар учрашуви - буларнинг барчаси бахслар олтидан

байрамона муҳит яратиш имкони бermoқда. Мундиалнинг очилиш ўйинида муҳлисларга тортиқ этилган махсус совғаларни бунга бир мисол тариқасида келтириш мумкин.

Кеча «Б» гуруҳининг иккинчи учрашувида АҚШ ҳамда Уэлс термалари дурангга имзо чекишди, бу чемпионатдаги ягона дуранг бўлиб турибди. Шунингдек, «А» гуруҳида пешқадамлик учун асосий даъвогар ҳисобланган Сенегал ва Нидерландия термалари иштирокидаги ўйин ҳам сўнги дақиқаларгача тенг курашлар остида ўтди. Бирок, ўйиннинг охириги дақиқаларида нидерландлар иккита гол уришга муваффақ бўлди. Сенегалда эса Садио Маненинг йўқлиги билинди. Шу тариқа Нидерландия гуруҳда Эквадор билан пешқадамга айланган бўлди. Эртага ҳам мундиалда навбатдаги гуруҳ ўйинлари давом эттирилади.

Жамшид АМИРОВ.

Диққат, янги руқна:

## ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Комилжон МАМАЖОНОВ

1939 йил 8 майда Фарғона вилояти Тошлоқ туманида туғилган. 2014 йилда вафот этган. 1995 йилда "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланган.



“Биринчилардан бўлиб оилам билан чўлга кўчиб бораман! Халқмиз не-не орзулар, қийинчиликлар билан катта Фарғона каналини қурди. Дилбар водийдаги бу чипта ямоқ бўлган чўлга сув келтириш, ерларни ўзлаштириш орзуси амалга ошганда, энди у ерга бориб ишловчилар йўқ. Кимдир биринчи бўлиши керак-да. Мен шу тепаларга эмаклар чиқиб юришни ўрганганман, ҳали-ҳали лабимдан арзиқ тупроқнинг дудмал таъми кетмайди”.

### ХАЛҚАРО ФОРУМ

## ЕВРОПАДА ҚОНУНИЙ ИШЛАШ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЯДИ

Пойтахтимиздаги "International Hotel Tashkent" меҳмонхонасида меҳнат миграцияси бўйича биринчи халқаро форум бўлиб ўтди.

Форумда 20 га яқин халқаро ташкилот, 100 га яқин хорижий салоҳиятли иш берувчи, халқаро экспертлар иштирок этиб, Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг имконияти, ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари ҳуқуқи ва манфаатини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Ҳусанов қатнашиб, бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

— Миграция соҳасидаги асосий талаблардан бири халқаро меҳнат бозорига касб-хунарга эга малакали кадрлар етказишдир. Биз ички ва ташқи меҳнат бозорига малакали кадрлар, рақобатбардор ишчи кучига талаб ортиб бораётганини инобатга олиб, халқаро андоза асосида мигрантлар учун дастурлар ишлаб чиқдик. Бугунги кунда Меҳнат вазирлиги тизимида 17 та "Ишга марҳамат" мономаркази, 56 та касб-хунарга ўқитиш маркази, 479 та маҳаллада касб-хунарга ўқитиш маскани ташкил этилган. 2022 йил бошидан хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бориш истагида бўлган 46,8 минг нафардан ортиқ фуқаро касб-хунарга ва чет тилларига ўқишга жалб қилинди. Илк бор хорижий иш берувчилар билан Ўзбекистон фуқароларини Европа давлатларига, хусусан, Сербия ва Буюк Британияга қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мавсумий ишга, Германияга турли соҳаларга жалб қилиш бўйича келишувга эришилди.

Халқаро форум камчиликларни бартараф этиш ҳамда инновацияни тақдирларни юзага чиқариш учун самимий ва дўстона мулоқот майдонига айланган, — деди вазир.

Форумда таъкидландики, охириги уч йил давомида миграция географиясини кенгайтириш орқали хорижда ишлаш истагида бўлган юрtdошларимизни дунёнинг ривожланган давлатларига ишга жалб қилиш салмоғи кенгайди. Ушбу йўналишда хорижий ваколатли давлат ташкилотлари ва салоҳиятли иш берувчилари билан доимий музокаралар олиб бориш натижасида бугунги кунда 30 дан ортиқ давлатларнинг 480 га яқин ташкилоти билан ҳамкорлик келишувлари имзоланиб, Ўзбекистон фуқаролари ташкиллаштирилган тартибда хорижга ишга жўнатилмоқда.

Шунингдек, халқаро форум доирасида хорижий иш берувчилар ўртасида ташкил этилган "Энг яхши хорижий иш берувчи" танлови ғолиблари тақдирланди.

Форум доирасида хорижда ишлаш истагида бўлган Ўзбекистон фуқароларини чет давлатларга ишга жалб қилиш бўйича 6 та давлатнинг 20 га яқин иш берувчи ҳамда рекрутнинг агентликлари ва Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ўртасида келишувлар имзоланди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
"Ўзбекистон ovozi" муҳбири.





## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узoқ масофали радиоэлектрониклар, радиостанциялар ва бошқа радиоэлектрон воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электрмагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

#### Бизнинг манзиллар:

<b>Тошкент шаҳри,</b> Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.	<b>Наманган шаҳри,</b> Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
<b>Андижон шаҳри,</b> Истиклол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.	<b>Самарқанд шаҳри,</b> Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.
<b>Бухоро шаҳри,</b> академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.	<b>Термиз шаҳри,</b> Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.
<b>Жиззах шаҳри,</b> Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.	<b>Гулистон шаҳри,</b> Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.
<b>Нукус шаҳри,</b> Ерназар Алакўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.	<b>Фарғона шаҳри,</b> Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.
<b>Қарши шаҳри,</b> Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.	<b>Урганч шаҳри,</b> Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.
<b>Навоий шаҳри,</b> Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.	

MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV  
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1141. 1850 nusxada bosildi. O'za yakuni —  
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 01:30

t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV	Muslihiddin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV	Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA	Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV	Toshtemir XUDOYOQULOV
Guliston ANNAQILICHEVA	